13	McNulty P.J. Acoustics in Diagnosing and Vibration in Hydraulic Turbomachinery. Proc. Spring Conf. Acoustics-80, London, 1980, Pp.209-212.	McNulty P.J. Acoustics in Diagnosing and Vibration in Hydraulic Turbomachinery. Proc. Spring Conf. Acoustics-80, London, 1980, Pp. 209-212.
14	W.Bastl, R. Sunder, D.Wach. The Influence of Noise Diagnostic Techniques on the Safety and Availability of Nuclear Power plants. Progress in Nuclear Energy. 1985, Vol.15, Pp. 513-524. Great Britain.	W.Bastl, R. Sunder, D.Wach. The Influence of Noise Diagnostic Techniques on the Safety and Availability of Nuclear Power plants. Progress in Nuclear Energy. 1985, Vol.15, Pp.513-524. Great Britain.
15	Эргашев Р.Р., Бекчанов Ф.А., Насырова Н.Р. Диагностические испытания вертикальных насосов. Материалы международной научно-практической конференции «Пути повышения эффективности орошаемого земпределия» – Новочеркасск, №3(59), 2015. – С.31-36	Ergashev R.R., Bekchanov F.A., Naserova N.R. Diagnosticheskie ispitaniya vertikalnikh nasosov [Diagnostic tests of vertical pumps]. Materials of the international scientific-practical conference "Ways to improve the efficiency of irrigated agriculture" Novocherkassk, 2015. No3(59), Pp.31-36. (in Russian)
16	F.A.Bekchanov, R.Ergashev, T.M.Mavlanov, O.Y.Glovatskiy. Mathematical model of vibrating air pump unit. XXII International Scientific Conference on Advanced in Civil Engineering. April 18-21, 2019 in Tashkent, Pp. 122-126.	F.A.Bekchanov, R.R.Ergashev, T.M.Mavlanov, O.Y.Glovatskiy. Mathematical model of vibrating air pump unit. XXII International Scientific Conference on Advanced in Civil Engineering. April 18-21, 2019 in Tashkent, Pp. 122-126.
17	Machine-Condition Monitoring using Vibration Analysis. The use of Crest Factor and Cepstrum Analysis for Bearing Fault Detection. A Case Study from Kenogami Paper Mill, Quebec, Canada. Naerum, Denmark.	Machine-Condition Monitoring using Vibration Analysis. The use of Crest Factor and Cepstrum Analysis for Bearing Fault Detection. A Case Study from Kenogami Paper Mill, Quebec, Canada. Naerum, Denmark.
18	Надточий В.М. Экспертные системы диагностики электрооборудования. – Электричество, 1991. №8, – С.9-16.	Superficial B.M. Ekspertnie sistemi diagnostiki elektrooborudovaniya [Expert systems for diagnosing electrical equipment].Electricity, 1991, No8, Pp. 9-16. (in Russian)

УЎТ: 532.529

## ЛОЙҚАЛИ ОҚИМНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА СТРУЯЛИ АППАРАТИНИНГ СУВ САРФИНИ АНИҚЛАШ

*Қ.Т. Рахимов - PhD, доцент, Д.А. Абдураимова - PhD, катта ўқитувчи*

*Ташкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институту*

### Аннотация

Сув хўжалигининг жуда кўп соҳаларида лойқали напорли қувурлардаги ҳаракатини кузатиш мумкин. Суюқлик ва қаттиқ заррачаларнинг биргалиқдаги ҳаракати бир фазали суюқликнинг ғаркли равишида напор йўқотилишлари мутлақо бошқача бўлади. Шунинг учун ҳам оқимнинг сарфи ва унинг ўртача тезлигига таъсир қиливчи коэффициентларнинг қийматларини аниқлашда бир мунча мураккабликлар пайдо бўлади. Мақолада струяли аппарат ёрдамида лойқали оқимни узатишда оқимнинг гидравлик элементларини аниқлашнинг назарий ҳамда экспериментал асослари келтирилган. Назарий тадқиқотлар учун энергиянинг сақланиш қонуни асос қилиб олинган, тажрибалар тадқиқотлари эса оқимнинг сарф коэффициентини аниқлашга қаратилган. Олиб борилган назарий ва тажриба тадқиқотлари натижасида лойқали оқим сарф коэффициентининг оқим ҳаракат тартибига боғлиқлиги аниқланган ва лойқали оқим сарфи формуласига киритиш тавсия этилган.

**Таянч сўзлар:** лойқали оқим, струяли аппарат, сўрувчи қувур, сарф коэффициенти, Рейнольдс сони.

## ОПРЕДЕЛЕНИЕ РАСХОДА ВОДЫ СТРУЙНОГО АППАРАТА С УЧЕТОМ МУТНОГО ПОТОКА

*Қ.Т. Рахимов - PhD, доцент, Д.А. Абдураимова - PhD, старший преподаватель*

*Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства*

### Аннотация

Во многих отраслях водного хозяйства можно наблюдать движение мутного потока в напорных системах. Потери напора при совместном движении жидкости и твёрдых частиц, в отличаются от движения однофазного потока. При этом возникают некоторые трудности при определении коэффициентов, влияющих на расход и среднюю скорость потока. В статье приводятся теоретические и экспериментальные основы определения гидравлических параметров потока в струйных аппаратах при движении мутного потока. Теоретические исследования основаны на законах сохранения энергии, лабораторные исследования направлены на определение коэффициента расхода мутного потока. В результате проведенных теоретических и экспериментальных исследований установлена новая зависимость коэффициента расхода от режима движения и рекомендовано внести его в формулу расхода мутного потока.

**Ключевые слова:** мутный поток, струйный аппарат, всасывающий трубопровод, коэффициент расхода, число Рейнольдса.

## DETERMINATION OF WATER DISCHARGE OF A JET DEVICE TAKING INTO ACCOUNT MUTFLOW FLOW

*Q.T. Rakhimov - PhD, associate professor, D.A. Abduraimova - PhD, senior lecturer*

*Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers*

### Abstract

In many sectors of the water economy, one can observe the movement of a sediment stream in pressured systems. The pressure losses in the liquid and sediment joint stream are different than the movement of a single-phase flow according to their pressure loss. In this case, some difficulties arise in determining the coefficients that affect the flow rate and the average flow rate. In the article given theoretical and experimental foundations for determining the hydraulic flow parameters in during the movement of a sediment and liquid flow. Theoretical studies are based on the laws of energy conservation, and laboratory studies are aimed at determining the sediment flow rate. As a result of theoretical and experimental studies, a new dependence of the flow coefficient on the mode of movement was established and it is recommended to place it in the turbid flow rate formula.

**Key words:** sediment flow, jet device, suction pipe, flow coefficient, Reynolds number.



**К**ириш. Ҳозирги вақтда сув омборлари, насос станцияларининг аванкамералари ва турли хил мақсадларда ишлатиладиган тиндиригичлар каби сув ишоотларини лойқа босиб қолиши натижасида уларнинг фойдалари ҳажмининг камайиб кетиш ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда. Бу ҳолат сув хўжалигининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади [1, 2, 3]. Сув ҳавзаларини лойқадан тозалаш ва лойқа босишини олдини олишга қаратилган тадбирлар аксарият ҳолларда катта маблағ ва энергиялар талаб қиласиди. Бу соҳадаги асосий ишлардан бири энергия тежайдиган қурилма ва технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг гидравлик ҳисобларини бажаришдан иборат. Сув

ҳавзаларини лойқалардан тозалаш учун тақлиф этилаётган струяли аппарат шундай қурилмалардан бири ҳисобланади. Струяли аппарат қўшимча энергия манбалари талаб қилмасдан сув ҳавзасидаги сувнинг потенциал энергияси ҳисобига ишлайди. Унинг асосий кўрсаткичларидан бири узатиладиган лойқали оқимнинг сарфидир [4, 5, 6, 7].


**Тадқиқот обьекти ва мұаммонаң күйилиши.** Тадқиқот обьекти сифатида сув ҳавзаларини лойқалардан тозалаш учун струяли аппарат сўрувчи қувури қаралади. Тадқиқотда струяли аппарат орқали узатилаётган лойқали оқим сарфи ва қувурнинг сарф коэффициентини айрим критериал параметрларга, Жумладан, Рейнольдс сонига боғлиқлиги

ўрганилади. Струяли аппарат сўрувчи қувиридан келаётган лойқали оқим сарфи тизимнинг гидравлик элементларини аниқлашда энг муҳим параметрлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам олиб борилган тадқиқотлар сўрувчи қуурда ҳаракатланаётган лойқали оқимни ўрганишга қаратилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Струяли аппарат сўрувчи қуурининг сарф коэффициентини лаборатория шароитида аниқлаш ва лойқали оқим учун янги боғланишларни ўрнатиш.

**Ечиш усуллари.** Тадқиқот жараёнида гидравликада умум қабул қилинган услубларидан, механиканинг қонунларидан ҳамда тажриба маълумотларини қайта ишлашда математик статистика услубларидан, жумладан, энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари ва таҳлиллари.** Сарфни аниқлаш учун гидравликанинг классик формулаларидан фойдаланиш мумкин [8, 9, 10, 11]. Оқим сарфи унинг ўртача тезлигига боғлиқ. Демак, бунда асосий масала ўртача тезликни аниқлаш экан. Бу масала бир мунча мураккаб масала бўлиб унинг муракаблиги струяли аппарат сарфи ишчи оқим сарфи ва сўрувчи қуурдаги оқим сарфларининг йиғиндисидан иборат эканлигига [12, 13]. Бу эса гидравлик ишқаланиш ва қаршилик коэффициентларини аниқлашда қийинчилклар туғдиради. Масалани ечиш учун гидравликанинг классик тенгламаларидан Д.Бернулли тенгламаси имкониятлари кўриб чиқилди [14, 15].



1-расм. Струяли аппарат схемаси

Тенгламадан фойдаланиш учун таққослаш текислигини қувур оғирлик марказидан ўтказиб (1-расм), оқим чизиклари параллел бўлган, ҳаракат секин ўзгарадиган 1-1 ва с-с кесимлар танлаб олиб улар учун Д.Бернулли тенгламаси қўйидагича ёзилади:

$$z_1 + \frac{P_1}{\gamma_1} + \frac{\alpha_1 \vartheta_1^2}{2g} = z_c + \frac{P_c}{\gamma_1} + \frac{\alpha_c \vartheta_c^2}{2g} + h_{l-c} \quad (1)$$

Тенглама устида айрим математик амалларни бажаргандан сўнг с-с сиқилган кесимдаги босимнинг қўйидаги формуласи ёзилади:  $\frac{P_e}{\gamma_1} = (1 + \xi_1) \frac{\vartheta_c^2}{2g} - H$  (2)

бу ерда:  $\xi_1$  - струяли аппарат сув чиқариш тирқишининг қаршилик коэффициенти бўлиб тажрибалар натижасида аниқланади. (2) формула ёрдамида сув чиқариш тирқишида пайдо бўладиган вакуумнинг қийматини аниқлаш имкониятига эга бўлдик. Шуни эслатиб ўтиш керакки, таклиф этилаётган струяли аппаратда сув чиқариш тирқиши аралаштириш камераси вазифасини бажаради. Масалани ечиш учун (2) формула билан аниқланган босим сўрувчи қуурдан сув чиқадиган кесимдаги босимга тенг деб қабул қилинади:

$$\frac{P_e}{\gamma_1} = \frac{P_{c_1}}{\gamma_1} \quad (3)$$

Кейинги асосий масала сўрувчи қуурдаги оқимнинг ўртача тезлигини аниқлашдир. Бунинг учун яна 2-2 ва c1-c1 кесимлар учун Д.Бернулли тенгламасини ёзилади. Д.Бернулли тенгламаси ҳадларини ўрнига қўйсан, тенглама қўй-

идаги кўринишга келади:

$$\frac{\gamma_1}{\gamma_0} (h + H) - h = \frac{P_{c_1}}{\gamma} + \frac{\vartheta_2^2}{2g} + \left( \frac{\lambda_{cm} \cdot l}{d} + \xi_2 \right) \frac{\vartheta_2^2}{2g} \quad (4)$$

бунда:  $\vartheta_{c_1} = \vartheta_2$  - струяли аппарат сўрувчи қууридаги оқимнинг ўртача тезлиги. Кўйидаги белгилашлар қабул қилинди:

$$\beta = \frac{\gamma_1}{\gamma_0} \quad \beta_1 = \left( 1 + \frac{\lambda_{cm} \cdot l}{d} + \xi_2 \right) \quad (5)$$

бу ерда:  $\beta$  - оқимнинг нисбий солиштирма оғирлиги;  $\beta_1$  - сўрувчи қуурнинг барча қаршилик коэффициентларининг йиғиндиси; Тенгламанинг чап тарафи кўйидагига тенг:  $H_2 = \beta \cdot H + h \cdot (\beta - 1)$  (6)

Юқоридаги келтирилганлар асосида струяли аппарат сўрувчи қууридаги лойқали оқим ўртача тезлигини аниқлаш учун кўйидаги формула ёзилади:

$$\vartheta_2 = \frac{1}{\sqrt{\beta_1}} \sqrt{2g \left( H_2 - \frac{P_{c_1}}{\gamma} \right)} \quad (7)$$

Струяли аппарат сўрувчи қууридаги лойқали оқимнинг сарфи:  $Q_2 = \omega_2 \cdot \vartheta_2$  (8)

Аниқланган (4), (5), (6), (7) формулаларда бир неча номаник параметрлар мавжуд бўлиб аниқлаш талаб этилади. Чунки бу элементлар оқимнинг ўртача тезлигига бевосита ва оқимнинг сарфига тезлик орқали билвосита таъсир қилиди. Бунинг учун лаборатория шароитида маҳсус тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар 1-расмда келтирилган маҳсус курилмада, сув иншоотларини лойқадан тозалаш учун ишлаб чиқилган струяли аппарат ёрдамида ўтказилди.

Тажрибалар гидравликада умум қабул қилинган усуллар асосида олиб борилди.

- тирқиши олдидағи сўриш баландлиги ва сувнинг напори ўрнатилди;

- тирқиши олдидағи сув напори ва сўриш баландлиги резервуар ён деворига ўрнатилган линейка ёрдамида ўлчанди;

- тирқишдан оқиб чиқаётган сув сарфи ҳажмий усулда (ҳозирги вақтда энг аниқ усул) аниқланди;

- сув чиқариш тирқишидан оқиб чиқаётган сувнинг ҳажми ВСТ маркали тарозида массани аниқлаш йўли билан аниқланди.

- вақтни ўлчаш учун икки кнопкали СОС ПР-2Б-2000 "Агат" секундомердан фойдаланилди;


- лойқаликнинг миқдори лойқали сувни тиндириб, олинган лойқани тарозида тортиб аниқланди.

- тирқишинг ва сўриш қуурининг ички диаметрлари ЩЦ-125 маркали штангенциркуль ёрдамида аниқланди.

Струяли аппаратнинг сўрувчи қууридан чиқаётган лойқали оқим сарфи лаборатория шароитида аниқлаш учун идиша сувнинг напори ўрнатилди ва сув сарфи ҳамда бошқа бир неча гидравлик элементлар аниқланди. Ўндан сўнг сўрувчи қувур беркитилиб фақат ишчи суюқлик яъни тоза сувнинг сарфи аниқланди улар орасидаги фарқдан сўрувчи қууридан чиқаётган лойқали оқим сарфи аниқланди.

Тажрибалар бир неча марта ҳар хил напор ва сўриш баландликларида ўтказилди. Ҳар хил напор ва сўриш баландликларига мос келувчи лойқали оқимнинг сарфи, лойқанинг миқдори, оқимнинг ўртача тезлиги, қаршиликларни ҳисобга олмасдан аниқланадиган (идеал суюқлик учун) оқим тезлиги, сарф коэффициенти, Рейнольдс сони ва ҳоказо катталиклар аниқланди. Тажрибалар натижасида бир неча гидравлик параметрлар ва коэффициентлар муносабатларини ўзида жамловчи коэффициент – сарф коэффициентини ўлчов бирликсиз катталик – Рейнольдс сонига боғлиқлиги аниқланди (2-расм).

$$\Delta \mu = 0,58 - \frac{4,22}{\sqrt[4]{Re_H}} \quad (9)$$



**2-расм. Лойқали оқим узатыш учун струяли аппарат сүрүвчи қувири сарф коэффициентининг Рейнольдс сонига боғлиқлиги графиги**

Струяли аппарат сүрүвчи қувиридаги лойқали оқим сарфини аниқлаш учун оқим сарфи формуласига киритилди:

$$Q = \Delta\mu \omega \sqrt{2gH} \quad (10)$$

Тажриба натижаларини ишончлилигини аниқлаш учун математик статистика усуллари асосида таҳлил қилинди. Математик статистика усулларидан энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилди ва корреляция коэффициенти аниқланди, бунда  $r=0.8$ .

**Хулоса.** Олиб борилган тадқиқларда лойқали оқимнинг напорлы қувурлардаги ҳаракати струяли аппарат сүрүвчи қувири мисолида ўрганиб чиқилди. Бунда сарф коэффициентининг Рейнольдс сонига боғлиқлиги аниқланди. Рейнольдс сонининг катта диапозонидаги ўзгаришларида струяли аппаратнинг сүрүвчи қувурининг сарф коэффициентининг қандай ўзгариши аниқланди. Тажриба тадқиқларининг натижаларига кўра Рейнольдс сониннинг кичик қийматларида сарф коэффициенти  $\mu = 0,3$  қийматгача тез ошиб боради, Рейнольдс сониннинг катта қийматларида эса ҳаракатнинг квадрат қаршилик соҳасида сарф коэффициентининг қийматлари  $\mu = 0,3-0,35$  жуда секин ўзгаради.

№	Адабиётлар	References
1	Латипов К.Ш., Арифжанов А.М. Вопросы движения взвесенесущего потока в открытых руслах. Мехнат. Ташкент: 1994. – 110 с.	Latipov K.Sh., Arifjanov A.M. Voprosi dvizheniya vzvesesushchego potoka v otkrytykh ruslakh [Issues of the movement of a weighted stream in open channels]. Mehnat. Tashkent. 1994. 110 p. (in Russian)
2	Латипов. К.Ш., Мухитдинова М.И., Илхамов Х.Ш. Исследование вязкости смесей при движении двухфазной среды в круглой трубе. Вопросы вычислительной и прикладной математики. Сборник научных трудов. Кибернетика. выпуск 87. – Ташкент, 1989. – С 115-121.	Latipov. K.Sh., Muxitdinova M.I., Ilxamov X.Sh. Issledovanie vyazkosti smesey pri dvizhenii dvukh faznoy sredy v krugloy trube [Issuance of smeseypri dvijenii dvukh faznoy sredy in the pipe]. Voprosy vychislitelnoy va prikladnoy matematiki. Sbornik nauchnyx trudov. Kibernetika. vypusk 87. 1989. Pp.115-121. (in Russian)
3	Мухаммадиев М.М., Уришев Б.У., Носиров Ф.Ж. Улучшение всасывающей способности насосных агрегатов при сильном заилении аванкамеры. Вестник ТашГТУ. – Ташкент, – 2008. – С 85-88.	Muxammadiev M.M., Urishev B.U., Nosirov F.J. Uluchshenie vsyasyvayushchey sposobnosti nasosnykh agregatov pri silnom zaielenii avankamery [Ultrasound version of spasobnosti nasosny aggregates on avocamery]. Vestnik TashGTU. Toshkent 2008. Pp 85-88.(in Russian)
4	Арифжанов А.М., Абдураимова Д.А., Рахимов К.Т., Пути использования гидравлической энергии водоемов. «Проблемы повышения эффективности использования электрической энергии в отраслях агропромышленного комплекса» Международная научно-практическая конференция. 25-26 мая. – Ташкент, 2015. – С. 234-237.	Arifjanov A.M., Abduraimova D.A., Raximov Q.T., Puti ispolzovaniya gidravlik energiyasi vodoemov [Ways to use the hydraulic energy of water bodies]. "Problemi povysheniya effektivnosti ispolzovaniya elektr energiyasi va otrasslyakh agroromyshlennogo kompleksasi" Mejdunarodnaya nauchno-prakticheskaya konferentsiya. 25-26 may. Tashkent 2015. Pp. 234-237. (in Russian)
5	Арифжанов А.М., Илхомов Х., Низамутдинов Д., Рахимов К. К оценке транспорта речных наносов в трубопроводах. САНИИРИ. – Ташкент, 2005. – С.130-133.	Arifjanov A.M., Ilxomov X., Nizamutdinov D., Raximov K. K otsenke transport rechnykh nanosov v truboprovodakh [To the assessment of river sediment transport in pipelines.]. SANIIRI. Tashkent. 2005. Pp 130-133. (in Russian)
6	Арифжанов А.М., Фатхуллаев А.М., Рахимов К.Т. Распределение скоростей при равномерном движении взвесенесущего потока. Журнал Проблемы механики. Ташкент-2005. С 25-29.	Arifjanov A.M., Fathullaev A.M., Rakhimov K.T. Raspredelenie skorostey pri ravnomernom dvizhennii vzvesenesushchego potoka [Speed distribution with uniform movement of the weighed stream]. Journal of Problems of Mechanics. Tashkent 2005. Pp 25-29.(in Russian)
7	Арифжанов А.М., Фатхуллаев А.М., Рахимов К.Т., Низамутдинов Д. Сув ҳавзаларини тозалаш учун оқимли инжектор. Патент, № FAP 00490. – Тошкент, 2009.	Arifjanov AM, Fathullaev AM, Rakhimov KT, Nizamutdinov D. Suv khavzalarini tozalash uchun okimli inzector [Flow Injector for Watershed Treatment]. Patent N0 FAP 00490, Tashkent 2009. (in Russian)
8	Arifjanov A.M., Rahimov Q.T. Abduraimova D.A. Hydrotransport of exceptional flow in pipelines with various pulls. European Science Review. Austria, Vienna, 2017. Pp. 124-126.	Arifdjanov A.M., Rahimov Q.T. Abduraimova D. Hydrotransport of exceptional flow in pipelines with various pulls. European Science Review. Austria, Vienna, 2017. Pp.124-126.
9	Латипов К.Ш. К определению коэффициента гидравлического трения. Докл. АНУзССР. – 1982. № 8. – С.16-18.	Latipov K.Sh. K opredeleniyu koefitsiyenta gidravlicheskogo treniya [To the determination of the coefficient of hydraulic friction]. Dokl. Academy of Sciences of the Uzbek SSR. 1982. No 8. Pp 16-18. (in Russian)
10	Латипов К.Ш. О внутренних напряжениях трения в жидкости. Известия АН УзССР. Серия тен.наук. – 1980. №6. – С.43-47.	Latipov K.Sh. O vnutrennikh napryazheniya treniya v zhidkosti [About internal friction stresses in a fluid]. Bulletin of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR. Series of ten.science. 1980. No. 6. Pp.43-47. (in Russian)
11	Мухаммадиев М.М., Хохлов В.А. Новые разработки струйного насоса для гидроэнергетики. В сб. «Научные проблемы энергетики возобновляемых источников». – Самара, 2000. – С. 81-83.	Muhammadiev M.M., Khokhlov V.A. Novye razrabotki struynogo nasosa dlya gidroenergetiki [New developments of the jet pump for hydropower]. In sb. "Scientific problems of renewable energy". Samara 2000. Pp. 81-83.(in Russian)

12	Рахимов К., Хамраев С., Расулов Р. Тurbulentное течение потока // Журнал "АгроИлм" – Ташкент, 2010. – С.41-45.	K. Rakhimov, Khamraev S., R. Rasulov <i>Turbulentnoye techeniya potoka</i> [Turbulent flow stream]. Agro Ilm Tashkent, 2010 P.41-45. (in Russian)
13	Рахимов К.Т. Кинематические характеристики двухфазного течения в трубопроводе. Республиканская научно-практическая конференция «Развития водного хозяйства и мелиорации Республики Узбекистан в период перехода к рыночной экономике», САНИИРИ. – Ташкент, 2006. – С. 129-131.	Rakhimov K.T. <i>Kinematicheskie kharakteristiki dvukhfaznogo techeniya v truboprovode</i> [Kinematic characteristics of the two-phase flow in the pipeline]. Republican scientific-practical conference "Development of water management and land reclamation of the Republic of Uzbekistan during the transition to a market economy", SANIIRI, Tashkent, 2006, Pp. 129-131. (in Russian)
14	Рахимов К.Т. Определение пропускной способности струйного аппарата. "Архитектура. Курилиш. Дизайн" журнали. Тошкент, ТАКИ 2 сон. 2012. – С. 52-54.	Rakhimov K.T. <i>Opredelenie propusknoy sposobnosti struynogo apparata</i> [Determination of the capacity of the inkjet apparatus]. TAKI "Architecture. Kurilish. Design" magazines, 2 naps. Tashkent, 2012. Pp.52-54. (in Russian)
15	Илхомов Х.Ш.. Исследование коэффициента взаимодействия при течении двухфазного потока в горизонтальной трубе. Узбекский журнал проблемы механики. – Ташкент, 1995. № 3-4. – С.48-51.	Ilkhomov H.Sh. <i>Isledovanie koefitsienta v zaimodeystviya pri techenii dvukhfaznogo potoka v horizontalnaya trube</i> [Investigation of the interaction coefficient during a two-phase flow in a horizontal pipe]. Uzbek journal of the problem of mechanics. Tashkent, 1995. No 3-4. Pp 48-51. (in Russian)
16	Карасик В.М., Асауленко И.А. Напорный гидротранспорт песчаных материалов. – Киев: Наук. думка, 1965. – 107 с.	Karasik V.M., Asaulenko I.A. <i>Naporniy gidrotransport peschanikh materialov</i> [Pressure hydrotransport of sand materials]. Kiev: Science. Dumka, 1965.107 p.(in Russian)
17	Караушев А.В. Теория и методы расчета речных наносов. – Ленинград: Гидрометеоиздат, 1977. – 272 с.	Karaushev A.V. <i>Teoriya i metody rascheta rechnykh nanosov</i> [Theory and methods for calculating river sediment]. Leningrad: Gidrometeoizdat, 1977. 272 p. (in Russian)
18	Liu C, Tan S, Zhang X, Yang Y, Xu Y, Xu Y. Deposition regularity in a rainwater pipeline based on variable transport flux. Journal of environmental management. 2018 Oct 15;224: Pp 29-36.	Liu C, Tan S, Zhang X, Yang Y, Xu Y, Xu Y. Deposition regularity in a rainwater pipeline based on variable transport flux. Journal of environmental management. 2018 Oct 15;224: Pp 29-36.
19	Yang J, Low YM, Lee CH, Chiew YM. Numerical simulation of scour around a submarine pipeline using computational fluid dynamics and discrete element method. Applied Mathematical Modelling. 2018 Mart 1;55:Pp 400-416.	Yang J, Low YM, Lee CH, Chiew YM. Numerical simulation of scour around a submarine pipeline using computational fluid dynamics and discrete element method. Applied Mathematical Modelling. 2018 Mart 1;55: Pp 400-416.
20	Li MZ, He YP, Liu YD, Huang C. Pressure drop model of high-concentration graded particle transport in pipelines. Ocean Engineering. 2018 Sep 1;163:Pp 630-640	Li MZ, He YP, Liu YD, Huang C. Pressure drop model of high-concentration graded particle transport in pipelines. Ocean Engineering. 2018 Sep 1;163: Pp 630-640

УЎТ: 691.544:666

## ГИДРОТЕХНИК БЕТОНЛАР СУВ ЎТКАЗУВЧАНЛИГИНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Ф.Р. Юнусова - т.ф.н., доцент, Т.Д. Муслимов - катта ўқитувчи****Ташкентт ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти****Аннотация**

Мазкур мақолада гидротехник бетонларга қўйилладиган асосий талаблардан келиб чиқкан ҳолда, уларнинг сув ўтказувчанилиги ва унга таъсир этадиган асосий омиллар, бетонларнинг сув ўтказувчанилигини аниqlаш усуслари, бетон таркибида ҳосил бўладиган ғоваклар ва капилярларнинг хусусиятлари ҳамда гидротехник бетонларнинг сув ўтказувчанилигини Л-2 кимёвий кўшимчасини қўллаш йўли билан ва бетондаги очиқ ғовакларни ва капилярларни кольматациялаш йўли билан камайтириш мумкинлиги асослаб берилган.

**Таянч сўзлар:** гидротехник бетон, сув ўтказувчанилик, сув-цемент нисбати, структуранинг зичлиги, микротўлдирувчи, макроғоваклар, капилярлар, пластификацияловчи кимёвий кўшимча, кольматация.

## НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ВОДОПРОНИЦАЕМОСТИ ГИДРОТЕХНИЧЕСКИХ БЕТОНОВ

**Ф.Р. Юнусова - к.т.н., доцент, Т.Д. Муслимов - старший преподаватель****Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства****Аннотация**

В данной статье рассмотрены вопросы водопроницаемости гидротехнических бетонов на основе требований, предъявляемых к ним, способы определения водопроницаемости бетонов, характеристики пустотности и капиляров образовавшихся в бетоне, возможности уменьшения водопроницаемости гидротехнических бетонов с применением химических добавок Л-2 и кольматацией открытых пор, капиляров образовавшихся на поверхности бетона.

**Ключевые слова:** гидротехнический бетон, водопроницаемость, водоцементное отношение, плотная структура, микрозаполнитель, макропоры, капиляры, пластифицирующая химическая добавка, кольматация.

## CERTAIN PARTICULARITIES OF HYDROTECHNICAL CONCRETE WATER PERMEABILITY

**F.R. Yunusova - c.t.s., docent, T.D. Muslimov - senior teacher****Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers****Abstract**

The article discusses the issues of hydrotechnical concrete water permeability based on the requirements set to them, methods for determining concrete water permeability, characteristics of porosity and capillaries formed in concrete, as well as possibilities to decrease hydrotechnical concrete water permeability with the use of chemical admixtures and colmatation.

**Key words:** hydrotechnical concrete, permeability, dense structure, micro additives, macro voids, capillary, plasticizing chemical admixture, colmatation.



**Кириш.** Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида 20 миллион гектардан ортиқ, шу жумладан 3,2 миллион гектар суғориладиган экин майдонларидан фойдаланиб, аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат махсулотлари ва иқтисодиёт тармоклари учун зарур хомашё етиширилмоқда. Суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида давлат дастурлари асосида кенг кўламли ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда [1]. Бироқ глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгги йилларда даврий равишда кузатилаётган сув танқислиги ва ички ирригация тармокларининг асосий қисми яроқсиз ҳолатга келганлиги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашишига сабаб бўлмоқда. Сув ер юзининг барча ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги барча технологик жараёнларнинг зарурий қисмидир [2,3]. Шу боис ҳам қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан гидротехника ва мелиорация иншоотларининг техник ҳолатига ҳамда улардан оқилюна фойдаланишга бевосита боғлиқ [4].

**Тадқиқот мақсади.** Гидротехника иншоотларини қуришда қўлланиладиган бетонлар оддий оғир бетонлардан фарқли ўлароқ сурункали ёки вақти-вақти билан сув таъси-

рида бўлади. Гидротехника иншоотларининг ишончлиги ва хавфисизлиги жуда кўп омилларга боғлиқ. Улардан энг асосийси гидротехника иншоотларини қуришда қўлланиладиган бетоналарнинг физик-механик ва бошқа хоссалари катта аҳамиятга эга. Гидротехник бетон бошқа турдаги бетонлар каби кўп компонентли сунъий тош материали ҳисобланади. Демак, гидротехник бетонларнинг физик-механик ва бошқа хоссаларига, уларнинг таркибига кирувчи ҳар бир компонент маълум даражада таъсир кўрсата олиши мумкин [5, 6, 7].

Гидротехника ва мелиорация иншоотларини қуришда қўлланиладиган бетонларнинг ишончлилигини таъминлашда уларнинг сув ўтказмаслиги ва музлашга бардошлиги асосий омиллардан бирни ҳисобланади [8]. Бетонларнинг сув ўтказмаслигини таъминлашда, биринчни навбатда уларнинг оптимал таркибини лойҳалаш катта аҳамиятга эга. Бундай бетонларнинг таркибини лойҳалаш бўйича бир қанча илмий тадқиқотлар ўтказилиб, амалга ошириладиган асосий чора тадбирлар кўйидагича белгиланган бетоннинг сув ўтказмаслигини ва музлашга бардошлигини таъминлай оладиган тўлдирувчилардан фойдаланиш, бетон қоришмасининг С/Ц нисбатини факат бетоннинг мустаҳкамлик шарти бўйича эмас, балки бетоннинг чидамлилиги бўйича танлаш,

цемент сарфининг оптимал микдорини аниқлаш; зич структурали бетон тайёрлаш учун тұлдирувчиларнинг оптимал концентрациясина таъминлаш ва ниҳоят бетонлар тайёрлаш технологиясида микротұлдирувчилардан ва кимёвий күшімчалардан оқилона фойдаланган ҳолда гидротехник бетонларнинг сув ўтказмаслигини ошириш ўтказилған тадқиқоттнинг асосий мақсади деб қабул қилинди [9, 10, 11].

**Тадқиқот усули.** Гидротехника иншоотларни куришда күлланиладын гидротехник бетонларнинг физик-механик, технологик ва эксплуатацион хоссалари амалдаги мөндерий хужжаттар (ГОСТ 26633-85. Гидротехнический бетон) ва давлат стандартлари асосида синалиб, олинган натижалар «Синов натижаларини статистик ишлаш усуллари» (Үз РСТ 20522-96) асосида таҳлил этилди. Тадқиқотларни ўтказиша Ангрен ГРЭСи саноат кулидан техник лигносульфонатларни модификациялаш мақсадида фойдаланилди ва пластификацияловчи Л-2 кимёвий күшімчаси тайёрланди. Л-2 пластификацияловчи кимёвий күшімчасидан фойдаланишда амалдаги давлат стандартларидан (ГОСТ 24211-80. Добавки к бетонам) ва кимевий күшімчаларни күллаш бүйіча яратылған тавсияномаларга амал қилинди. Тадқиқотларни ўтказиша гидротехник бетоннинг таркиби амалдаги “абсолют ҳажмлар усули”ға асосланған ҳолда лойихаланды ва бунда бетон компонентлари “мұтлақ қуруқ қолатда” деб қабул қилинди. Гидротехник бетонларнинг эксплуатацион хоссаларини текширишда, бетон компонентларининг табиии намылдарни аниқланиб, лаборатория шароитида ҳисобланған таркибиға туатмалар киритиліб тадқиқоттар ўтказилди [12, 13, 14, 15].

**Тадқиқот натижалари ва таҳлиллар.** Гидротехник бетон ҳам бошқа турдаги бетонлар каби түрліча құсусияға эга бўлған капилляр ғовакли сұнъий тош материал ҳисобланади. Демак, бетон таркибидаги капилляр ва ғовакларнинг ўлчамлари юқорида санаб ўтилған омилларга боғлик ҳолда түрліча ўлчамга эга бўлиши мумкин [16, 17]. Ўтказилған тадқиқотлар шуни күрсатады, бетон таркибидаги юзага келадиган ғоваклар ва капиллярларнинг ўлчамлари  $10^{-5}$  сантиметрдан кичик бўлса, улар ўзидан эркін сувни ўтказмайди. Лекин ушбу ўлчамлар  $10^{-5}$  сантиметрдан катта бўлса улар ўзидан сув ўтказиш құсусиятига эга бўлади [18]. Одатда бетон тайёрлашда күлланиладын цемент гелида ҳосил бўладиган ғовакларнинг ўлчамлари  $10^{-5}$  сантиметрдан кичик бўлади ва улар ўзидан сув ўтказмайди. Лекин, бетон таркибидаги ҳосил бўладиган турли ўлчамдаги капилляр ва ғовакларнинг ўлчамлари юқорида санаб ўтилған омилларга боғлик ҳолда түрліча бўлиши мумкин ( $10^{-6}$ - $0,2$  см).

Гидротехник бетонларда ҳам бошқа турдаги оғир бетонларда бўлгани каби уларнинг ўзидан сув ўтказувчанлиги бетон таркибидаги ғоваклар ва капиллярларнинг ўлчамларига ва уларнинг ўзаро жойлашувига бевосита боғлиқ бўлади. Шу боис ҳам бетон таркибидаги макро ғовакларнинг ҳажми олдиндан аниқланиши катта аҳамиятга эга:

$$V_{mg} = \frac{100(C - 2 \cdot \omega \cdot \Delta)}{1000} \quad (1)$$


бу ерда:  $C$  -  $1\text{ m}^3$  ҳажмдаги бетон қориши масини таेरлаш учун талаб этилған сувнинг миқдори,  $\text{kg}/\text{m}^3$ ;  $\Delta$  -  $1\text{ m}^3$  ҳажмдаги бетон қориши масини таеरлаш учун талаб этилған цемент миқдори,  $\text{kg}/\text{m}^3$ ;  $\omega$  - цемент массасига нисбатан кимёвий боғланған сувнинг миқдори, %. Ўтказилған тадқиқотлар шуни күрсатады, бетон таркибидаги кимёвий боғланған сувнинг миқдори цементтің түрига ва бетоннинг қотиш муддатига боғлиқ ҳолда цемент массасига нисбатан 12-16 фоизни ташкил этади. Шунга асосланып юқорида (1) формула бўйича бетон таркибидаги макрофакторлар миқдори жудда катта диапазонда ўзарии кузатилди. Ушбу күрсатич гидротехник бетонларда 5 фоиздан 42 фоизгача ўзгариши тақрибалар йўли билан аниқланди. Ўтказилған тажриба натижалари бўйича гидротехник бетон таркибидаги

макрофакторларга асосан қуйидаги омиллар сезиларли даражада таъсир күрсатиши аниқланди: бетон қориши масини тайерлашдағы сув-цемент нисбати ( $C/C$ ), цементтің гидратацияланиш даражаси, кимёвий күшімчаларни күллаш ва бетон қориши масини зичлаш даражаси. Маълум бўлишича ( $C/C$ ) нисбатини пасайиши, цементтің гидратацияланиш даражасининг ортиши ва кимёвий күшімчалардан оқилона фойдаланиш натижасида бетон таркибидаги макрофакторлар миқдори бирмунча камайиши аниқланди [18, 19]. Бу эса ўз навбатида бетонларнинг ўзидан сув ўтказувчанлигини камайтиришига асос яратади. Бетонларнинг сув ўтказувчанлигини аниқлаш бир мунча мураккаб жараён бўлиб, уни лаборатория шароитида ёки бино ва иншоотларни эксплуатация даврида аниқлаш мумкин. Булардан асосийси деб бетонларни лаборатория шароитида сув ўтказувчанлигини текшириш катта аҳамият касб этади. Чунки бунда бетонни тайёрлаш жараёнида бир қанча технологик чора-тадбирларни күллаб, бетоннинг ўзидан сув ўтказувчанлигини маълум даражада бошқарыш асосида энг мақбул бетон таркибини лойхалаш мумкин. Ҳозирги кунда бетонларнинг сув ўтказувчанлигини уларнинг сув ўтказувчанлик коэффициенти ( $K_\phi$ ) орқали баҳолаш энг мақбул усуллардан бири ҳисобланади.

$$K_\phi = \frac{Q}{A \cdot t \cdot (P_1 - P_2)} \quad (2)$$

бу ерда:  $Q$  - бетон намунаси орқали сизиб ўтадиган сувнинг миқдори;  $A$  - сувни сизиб ўтиш юзаси;  $P_1 - P_2$  - босим градиенти;  $t$  - фильтрланиш вақти.

Гидротехник бетонларнинг сув ўтказувчанлигини ўрганиш мақсадида асосан иккى туркумдаги бетон намуналари тайёрланди. Бунда бетонларнинг мустаҳкамлиги ва кўзғалувчанлиги ўзгармас деб қабул қилинди. Биринчи туркумдаги бетон намуналари кимёвий күшімчаларсиз, иккинчи туркумдаги бетон намуналари эса модификацияланган лигносульфонат (Л-2) күшімчасини цемент массасига нисбатан 0,25% миқдорда күллаш йўли билан тайёрланди.




1-расм. Бетоннинг сув ўтказиш коэффициентини ( $K_\phi$ ) унинг таркибидаги макрофакторлар ( $V_{mg}$ ) ҳажмига боғлиқлик графиги

Тайёрланган бетон намуналари 28 суткадан сўнг синалиб, уларнинг сув ўтказувчанлиги текширилди. Юқоридағи 1-расмда бетонларнинг сув ўтказувчанлигини уларнинг таркибидаги макрофакторларга боғлиқлиги күрсатилди.

Гидротехник бетонларнинг сув ўтказувчанлиги уларнинг структурасига ва ёшига бевосита боғлиқ. Агар гидротехник бетонларнинг структурасини шартли равишида иккى гурухга бўлиб ўргансак, яъни зич структурали (2,а-расм) ва донадор структурали (2,б-расм) ташкил этади.

Зич структурали бетонларда макрофакторлар миқдори макрофакторлар миқдорига нисбатан анча кам бўлади ва бетоннинг сув ўтказувчанлиги асосан цемент тошининг құсусиятларига боғлиқ бўлади. Донадор структурали бетонларда эса иирик тұлдирувчилар миқдори нисбатан кўпроқ бўлиб, улар

ўзаро зич жойлашади ва уларни орасидаги минимал тирқишишларни нормал қуюқликка эга бўлган цемент қоришмаси билан тўлдириш анча қийин кечади, натижада бетоннинг йирик ва майдада тўлдирувчилари орасида макрофоваклар ҳосил бўлади. Бу эса ўз навбатида бетоннинг ўзидан сув ўтказиши



а) - зич структурали; б) - донадор структурали.  
1 - цемент қоришмаси; 2 - йирик тўлдирувчи.

### 2-расм. Гидротехник бетонларнинг структураси

хусусиятининг ортишига сабаб бўлади. Юқоридаги 2-формулада билан, зич структурали бетонларнинг сув ўтказувчанилиги аниқланганида, гўёки улар ўзидан сув ўтказмайди деган хуносага келиш мумкин. Чунки, гидротехник бетондана механик дарзлар ва киришиш ёриклири бўлмаса цемент тошидаги макрофоваклар ўзидан сувни ўтказмайди. Бундай ҳолларда гидротехник бетонларнинг сув ўтказувчанилиги бевосита босимлар градиентига боғлиқ бўлиб қолади. Демак, юқоридаги 2-формула билан босимлар градиенти  $(P_1 - P_2) < 2 \text{ кг}/\text{см}^2$  гача бўлган ҳолларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Босимлар градиенти  $\geq 2 \text{ кг}/\text{см}^2$  бўлган ҳолларда давлат стандартлари (ГОСТ 26633-85) бўйича гидротехник бетонларнинг сув ўтказмаслик бўйича маркаларидан фойдаланиш гидротехника иншоотларининг ҳавфисизлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Бунда гидротехник бетонларнинг сув ўтказмаслик бўйича маркаси давлат стандартлари бўйича W2-W12 қабул қилинади. Бунда бетонларнинг сув ўтказмаслиги уларнинг мустаҳкамлик синфларига бевосита боғлиқ бўлиб,  $W=f(B)$  улардан гидротехника иншоотларининг турли қисмлари учун мақсадли фойдаланиш тавсия этилади (1-жадвал).

Бетон таркибидаги макрофоваклар ҳажми жуда кўп омилларга боғлиқ бўлади [4]. Буларда энг асосийлари деб, бетон қоришмасини тайёрлашдаги сув-цемент нисбатини ( $C/C$ ) қабул қилиш мумкин. Бир хил ( $C/C$ ) нисбатига эга бўлган бетонларда ҳам уларнинг сув ўтказувчанилиги турлича қийматга эга бўлиши мумкин. Масалан, цемент сарфини ўзгариши, бетон қоришмасини етарли даражада зичлаш ва пластификацияловчи кимёвий қўшимчалардан оқилона фойдаланиш


### 1-жадвал

Гидротехника иншоотларининг турли қисмлари учун кўлланиладиган бетонларнинг мустаҳкамлик синфлари ( $B$ ) ва сув ўтказмаслик бўйича маркалари ( $W$ )

Тўғонларнинг сув сатҳи ўзгариб турадиган сув чиқариш қисмлари учун		Залворли бетон ёки темир-бетон конструкцияларнинг ички қисмлари учун		Иншоотларнинг сув ости ва ташки қисмлари учун	
Сув ўтказмаслик бўйича маркаси	Мустаҳкамлик синфи	Сув ўтказмаслик бўйича маркаси	Мустаҳкамлик синфи	Сув ўтказмаслик бўйича маркаси	Мустаҳкамлик синфи
W4	$\geq B12,5$	W2	$\geq B7,5$	W6	$\geq B12,5$
W6	$\geq B15$	W4	$\geq B12,5$	W8	$\geq B15$
W8	$\geq B20$			W12	$\geq B25$
W10	$\geq B25$				
W12	$\geq B30$				

бетонларнинг сув ўтказувчанилигига катта таъсир кўрсатади [20, 21]. Қуйидаги 3-расмда бетоннинг сув ўтказувчанилигига сув-цемент нисбатининг ( $C/C$ ) таъсири кўрсатилди.

3-расмдан шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бетон қоришмасини тайёрлашда сув-цемент нисбати ортиши билан бетон таркибидаги ортиқа сув микдори нисбатан юқори бўлади. Бетон қоришмасининг қотиш жараённада ушбу сув ҳароратни ўзгариши ёки ташки ва ички босимларни ўзгариши хисобига маълум даражада буғланиб кетади. Бу эса ўз навбатида бетон таркибида нисбатан катта ўлчамли очик то-



1. Кимёвий қўшимчасиз бетонда, 2. Кимёвий қўшимчали бетонда (Л-2 қўшимчаси цемент, массасига нисбатан 0.25% миқдорда).

### 3-расм. Бетоннинг сув ўтказувчанилигига сув-цемент нисбатининг таъсири, $K_\phi = f(C/C)$

вакларни ва капиллярларни ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Бундай ҳолларда бетоннинг сув ўтказувчанилиги кескин ортиб кетади. Бир хил қўзғалувчанилика эга бўлган (КЧ=const) бетон қоришмасини тайёрлашда пластификацияловчи Л-2 қўшимчасини цемент массасига нисбатан 0.25% қўллаш йўли билан С/Ц нисбати 0.63 дан 0.51 гача туширилди ва бетоннинг сув ўтказувчанилиги қарийб 3 марта камайтирилди. Гидротехника иншоотларидаги бетонларни сув ўтказувчанилигини эксплуатация даврида камайтириш учун гидротехник бетонларнинг С/Ц нисбатини пластификацияловчи Л-2 қўшимчаси билан камайтирилса бундай бетонларнинг адсорбцион хусусияти анча катта бўлади ва уларни кольматациялаш йўли билан бетон гилли сув эритмаларига тўйинтирилса, бетон таркибидаги очик ғоваклар ва капиллярлар энг кичик гил заррачалари билан беркилиб, уларнинг кўпчиши хисобига капиллярдаги қоришмалар маълум даражада зичлашади ва бетонларнинг сув ўтказувчанилиги қўшимча равишда яна 20-30 марта камайтирилиши мумкин.

**Хулоса.** Қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш сув ҳўжалиги тизимида гидротехника ва мелиорация иншоотларининг техник ҳолатига ва ҳавфисизлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бундай иншоотларни куришда кўлланиладиган гидротехник бетонларнинг сув ўтказмаслиги катта аҳамият касб этади. Ўтказилган тадқиқотларга таянган ҳолда гидротехник бетонларнинг сув ўтказмаслигига таъсир этадиган технологик омиллар таҳлил этилиб, гидротехник бетонларни тайёрлашда Л-2 пластификацияловчи кимёвий қўшимчасидан цемент массасига нисбатан 0,25% миқдорда фойдаланган ҳолда, сув-цемент нисбатини 18 физига камайтириб, гидротехник бетонларнинг сув ўтказмаслигини эса 3 марта ошириш мумкинлиги ва янги қўйиладиган бетонлардаги очик ғоваклар ва капиллярларни кольматациялаш йўли билан уларнинг сув ўтказмаслигини 20-30 марта ошириш мумкинлиги асосланди. Бундан ташқари, гидротехника иншоотларини куришда меъёрий ҳўжатларда тавсия этилган сув ўтказмаслик бўйича маркалари бевосита бетонларнинг мустаҳкамлик синфларига боғлиқлиги аниқланиб, амалда қандай синфдаги гидротехник бетонлардан мақсадли фойдаланишга кўрсатмалар келтирилди.

№	Адабиётлар	References
1	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июн-даги «Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ5742 –сонли фармони. – Тошкент, 2019.	Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan on June 17, 2019 No. PP5742 <i>Kishloq khuzhaligida er va suv resurslaridan samarali foydalanish chora-tadbirlari tugrisida</i> [“About measures for the efficient use of land and water resources in agriculture”]. Tashkent, 2019. (in Uzbek)
2	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 но-ябрдаги “2018-2019 йиллар иригацияни ривожлантириш ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3405-сонли қарори. – Тошкент, 2017.	Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan on November 27, 2017 No. PP3405 <i>2018-2019 yillar irrigatsiyani rivozhlantrish va sugoriladigan erlarning meliorativ kholatini yakhshilash chora-tadbirlar tugrisida</i> [“About measures for the development of irrigation and improvement of reclamation condition of irrigated lands for 2018-2019”]. Tashkent, 2017. (in Uzbek)
3	У.П.Умурзаков, И.П.Абдурахимов. Сув хўжалиги менежменти. – Тошкент. “Иқтисод-Молия”, 2008. 1 жилд. – Б.9-12.	U.P.Umurzakov, I.P.Abdurakhimov. <i>Suv khuzhaligi menezhmenti</i> [Water management] Tashkent, 2008, Volume 1, Pp. 9-12. (in Uzbek)
4	Ш.Р.Хамроев, У.П. Умурзаков, А.Т. Салохиддинов, Т.З. Султонов. Сув тинчлик ва хавфсизлик муаммоларининг чамбарчас боғлиқлиги // “Irrigatsiya va melioatsiya” журнали. – Тошкент, 2017. – №3, – Б. 5-12	Sh.Khamroyev, U.P.Umurzakov, A.T.Salohiddinov, T.Z.Sultanov. <i>Suv tinchlik va khavfsizlik muammolarining chambarchas boglikligi</i> [Water is inextricably linked to peace and security] Journal of “Irrigatsiya va melioatsiya”, Tashkent, 2017, No3, Pp. 5-12. (in Uzbek)
5	М.Бакиев, Т. Майдов. В.Носиров, Р. Хо`якулов, М. Рахматов “Гидротехника иншоотлари”. – Тошкент, 2008, – Б.119-127.	M.Bakiyev, T.Majidov. B.Nosirov, R.Xujaqulov, M.Rakhmatov <i>Gidroteknika inshootlari</i> [Hydrotechnical structures] Tashkent, 2008, Pp.119-127 (in Uzbek)
6	Горчаков Г.И., Капикин М.М., Скрамтаев Б.Г. «Повышение морозостойкости бетона в конструкции промышленных и гидротехнических сооружений» – Москва: Стройиздат, 1965. – 215 с.	Gorchakov G.I., Kapikin M.M., Skramtaev B.G. <i>Povishenie morozostoykosti betona v konstruktsii promishlennikh i gidrotehnicheskikh sooruzheniyakh</i> [Improving the frost resistance of concrete in the construction of industrial and hydraulic structures] Moscow, Stroyizdat, 1965. 215 p. (in Russian)
7	Пахомов В.А., Гончарев В.В. Бетон и железобетон в гидротехническом строительстве. – Киев, 1974.	Pakhomov V.A., Goncharev V.V. <i>Beton i zhelezobeton v gidrotehnicheskem stroitel'stve</i> [Concrete and reinforced concrete in hydraulic engineering] Kiev. 1974. (in Russian)
8	Пунагин В.Н. Технология бетона в условиях сухого жаркого климата. – Тошкент, 1977. – С. 10-17.	Punagin V.N. <i>Tekhnologiya betona v usloviyakh sukhogo zharkogo klimata</i> [Concrete technology in dry, hot climates] Tashkent. 1977. Pp. 10-17. (in Russian)
9	Bolstad, P. V. and Stowe, T., “AnEvaluation of DEM Accuracy: Elevation, Slope and Aspect, Photogrammetric Engineering and Remote Sensing” The Fundamentals of Digital Photogrammetry, Vol. 60, No. 11, Canada. 1997. Pp 1327-1332.	Bolstad, P. V. and Stowe, T., “AnEvaluation of DEM Accuracy: Elevation, Slope and Aspect, Photogrammetric Engineering and Remote Sensing” The Fundamentals of Digital Photogrammetry, Vol. 60, No. 11, Canada. 1997. Pp. 1327-1332.
10	Вербецкий Г.П. «Водонепроницаемость бетонов сухого хранения»// Гидротехническое строительство, 1953 №3. – С. 35-38.	Verbeskiy G.P. <i>Vodonepronisaemost' betonov sukhogo khraneniya</i> [Water tightness of dry storage concrete] Journal of Hydrotechnical construction, 1953, No3, Pp. 35-38. (in Russian)
11	Чеховский Ю.В. Понижение проницаемости бетона. Москва, 1988. – 142 с.	Chekhovskiy Yu.V. <i>Ponizheniya pronisaemosti betona</i> [Decrease in permeability of concrete] Moscow. 1988. 142 p. (in Russian)
12	Руководство по применению химических добавок к бетону. – Москва, 1977. – 42 с.	Rukovodstvo po primeneniyu khimicheskikh dobavok k betonu [Guidelines for the use of chemical concrete additives] Moscow, 1977, 42 p. (in Russian)
13	Схай К. Высокоэффективные пластифицирующие добавки. Сэттяку, 1982. №8. – С.11-14.	Skhay K. <i>Visokoeffektivnie plastifisiruyushie dobavki</i> [Highly effective plasticizing additives] Settyaku, 1982, No8, Pp. 11-14. (in Russian)
14	Батраков В.Г., Шурань Р., Ваврикин Ф.Р. Применение химических добавок в бетоне. ВНИЭС М. – Москва, 1982. – С.15-16.	Batrakov V.G., Shuran' R., Vavrikin F.R. <i>Primerenie khimicheskikh dobavok v betone</i> [The use of chemical additives in concrete] Moscow, 1980, Pp. 15-16. (in Russian)
15	ГОСТ-24211-80 Добавки к бетонам. – Москва, 1980.	GOST-24211-80 <i>Dobavki k betonam</i> [GOST-24211-80 Additives to concrete]. Moscow, 1980. (in Russian)
16	Юсупов Р.К. Гидратация и структурообразование цемента с добавками модифицированных лигносульфонатов. – Москва. НИЖБ. 1982. – С.122-127.	Yusupov R.K. <i>Gidratastiya i strukturoobrazovanie tsementa s dobavkami modifisirovannikh lignosulfonatov</i> [Hydration and structure formation of cement with additives of modified lignosulfonates] Moscow, 1982, Pp. 122-127. (in Russian)
17	Минибаев А.К., Шевеленко А.Г. Железобетонные напорные трубы в гидромелиоративном строительстве. Бетон и железобетон. 1986, №2. – 37 с.	Minibaev A.K., Shevelenko A.G. <i>Zhelezobetonnie napornye trubi v gidromeliorativnom stroitel'stve</i> [Reinforced concrete pressure pipes in irrigation and drainage construction] Concrete and reinforced concrete, Russia, 1986, No2, 37 p. (in Russian)
18	Стольников В.В., Литвинов Р.Е. Трещиностойкость бетонов – Москва: Энергия. 1972. №7. – С.113-117.	Stol'nikov V.V., Litvinov R.E. <i>Treshinostoykost' betonov</i> [Crack resistance of concrete] Moscow, Journal of Energy, 1972, No7, Pp. 113-117. (in Russian)
19	Рекомендации по приготовлению бетонных смесей повышенной сохраняемости с химическими добавками. – Москва, 1983. – 28 с.	Rekomendatsii po prigotovleniyu betonnykh smesey povyshennoy sokhranyaemosti s khimicheskimi dobavkami [Recommendations for the preparation of concrete mixtures of high preservation with chemical additives]. Moscow. 1983, 28 p. (in Russian)
20	Юсупов Р.К., Корпис В.З., Гольдштейн В.Л. “Исследования путей повышения эффективности химических добавок на основе лигносульфонатов” Бетон и железобетон. – Москва, 1985. – С. 48-56	Yusupov R.K., Korpis V.Z., Gol'dshteyn V.L. <i>Issledovaniya putey povisheniya effektivnosti khimicheskikh dobavok na osnove lignosulfonatov</i> [Studies of ways to increase the effectiveness of chemical additives based on lignosulfonates] Concrete and reinforced concrete, Moscow, 1985, Pp 48-56. (in Russian)
21	В.Г.Батраков “Модифицированные бетоны” – Москва, 1990. – С.13-17.	V.G. Batrakov <i>Modifisirovannie betoni</i> [Modified Concretes] Moscow, 1990, Pp. 13-17. (in Russian)
22	Ф.Ш. Шаазизов, А.С. Бадалов, А.А. Эргашев “Гидрохимическое разрушение и коррозия железобетонных конструкций крупных насосных станций” // Журнал: “Irrigatsiya va Melioratsiya”. 2018. №4. – С. 43-47.	F.Sh. Shaazizov, A.S. Badalov, A.A. Ergashev <i>Gidrokhimicheskoe razrushenie i korroziya zhelezo-betonnikh konstruksiy krupnikh nasosnikh stansiy</i> [Hydrochemical destruction and corrosion of reinforced concrete structures of large pumping stations] Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya., Tashkent, 2018, No2, Pp43-47. (in Russian)
23	А.М. Клевцов, Э.Э. Скрыпник “Применение бетонного полотна для строительства и реконструкции гидротехнических и ирригационных сооружений” // Журнал. “Irrigatsiya va Melioratsiya”. 2018. – С 37-41.	A.M. Klevsov, E.E. Skrypnik <i>Primenenie betonnogo polotna dlya stroitel'stva i renovasiy gidrotehnicheskikh i irrigatsionnikh sooruzheniy</i> [Use of concrete for construction and renovation of hydraulic and irrigation structures] “Irrigatsiya va Melioratsiya”, Journal, Tashkent, 2018, No3, Pp. 37-41. (in Russian)
24	М.Р.Бакиев, Е.И.Кириллова, Р.Хужакулов “Безопасность гидротехнических сооружений” Ташкент. 2008. 110 с.	M.R.Bakiyev, Ye.I.Kirillova, R.Xujaqulov <i>Bezopasnost' gidrotehnicheskikh sooruzheniy</i> [Safety of hydrotechnical structure] Tashkent, 2008, 110 p. (in Russian)

УЎТ: 631.316.4

## КУЛЬТИВАТОР ИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ ТУПРОҚҚА СИФАТЛИ ИШЛОВ БЕРИШ БҮЙИЧА АСОСЛАШ

А.К. Игамбердиев - т.ф.д., профессор в.б., Г.Ф. Усманова - тадқиқотчи

Ташкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти

### Аннотация

Мақолада тупроққа ишлов берадиган ишчи органларнинг бутун мажмусини аңаңавий технологияларга асосланган тарзда ишлатилиши натижасида тупроқ унумдорлигининг пасайиб бораётганлиги, табиии ресурслардан фойдаланиш тобора кучайиб бораётганлиги, тупроқни қайта ишлаш, яъни тупроққа ишлов бериш технологик жараёнларда жуда дол зарб муаммолар келип чиқаётганлиги, тупроқни муомаладан чиқариб юбориш бутун инсониятни экологик фалокатта олиб келиши мумкинлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Экспериментал тадқиқотларда тупроққа ишлов бериш даврида намлигининг кам, қаттиқлигининг катта бўлиши натижасида, таркибида йирик кесакларнинг чиқиши, намликнинг жадал йўқотилишига сабаб бўлайтганлиги аниқланган. Республикаизнинг тупроқ-иклим шароитлари ҳар хил бўлганлиги сабабли тупроққа ишлов бериш усули ва иш органлари комбинациясини танлашда дифференциал ёндошув бўлиши, яъни тупроқ бўлагининг ташқи кучлар тъясиридан деформацияланиши ва емирилиши агротехника талабларида кўзда тутилган, 5-10 мм ўлчамлардаги фракцион таркиба бўлишига эришиш тавсия этилган.

**Таянч сўзлар:** тупрок, намлик, физик хосса, технология, экология, сиқиши, янчиши, эзиши, қийшайтириш, ёриш, бўллаш, кесиш, чўзиши, уриб майдалаш.

## ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ РАБОЧИХ ОРГАНОВ КУЛЬТИВАТОРА ПО КАЧЕСТВЕННОЙ ОБРАБОТКЕ ПОЧВ

А.К. Игамбердиев - д.т.н., и.о профессора. Г.Ф. Усманова - исследователь

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

### Аннотация

В статье приведены сведения о том, что использование всего комплекса почвообрабатывающих органов, основанных на традиционных технологиях снижает плодородие почв, возрастание использования природных ресурсов, является наиболее актуальной проблемой в процессе обработки почв. Экспериментальные исследования показали, что, в почве много влаги теряется в результате некачественной обработки, из-за крупных частиц почвенных агрегатов. В связи с изменчивостью почвенно-климатических условий рекомендуется использовать дифференцированный подход к выбору методов обработки почвы и рабочих органов, то есть добиться фракционного состава почвы 2 размере 5-10 мм.

**Ключевые слова:** почва, влажность, физическое свойство, технология, экология, сжатие, разрушение, вдавливание, перекручивание, расщепление, отделение, резание, растягивание, разрушение ударом.

## SUBSTANTION OF THE PARAMETERS OF THE WORKING BODIES OF THE CULTIVATOR FOR HIGH-QUALITY TILLAGE

A.K.Igamberdiev - d.t.s, professor, G.F.Uzmanova - researcher

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

### Abstract

In the article, the use of the entire set of soil-processing bodies as a result of the use of traditional technologies reduces soil fertility, increasing the use of natural resources, the most pressing problems in the process of soil processing, that is, soil treatment. Experimental studies have shown that the large amount of moisture content in the soil during the cultivation process causes large intake of moisture due to the release of large particles. Due to the varied soil and climatic conditions of the republic, it is recommended to use a differential approach to the selection of soil treatment methods and working bodies, that is, the deformation and degradation of soil fragments from external forces.


**Key words:** soil, moisture, physical property, technology, ecology, compression, destruction, indentation, twisting, splitting, separation, cutting, stretching, destruction by impact.



**К**ириш. Бугунги кунда дунё бўйича 886,9 млн. гектар майдонларда тупроққа ишлов берилади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Бу майдонларнинг 43,8 фоизда янги ресурстежамкор, минимал ва ноль технологиялар ҳамда уларни амалга оширадиган техник воситалар жорий этилган. Ушбу замонавий технологиялар 118 млн. гектар майдонларда тупроқнинг унумдорлигини сақлаш билан бир вактда етиштирилаётган маҳсулот таннархини ўртacha 25 фоизга камайтириш имконини беради [1]. Шунга қарамасдан ҳозирги кунда XXI-асрнинг энг катта муаммо - бутун жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси вужудга келди ва у ҳалигача давом этмоқда.

Жаҳонда 1970 йили 3,5 млрд. аҳоли яшаган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 7,5 млрд. дан ошиб кетди. Бу кўрсаткич 2050 йилга бориб 10 млрд. га етиши башорат қилинмоқда. 1950 йилда табиии унумдор ерлар 100 фоизни ва озиқ-овқатга бўлган талаб 80 фоизни ташкил этган бўлса, 2050 йилга бориб тупроқнинг унумдорлиги пасайиб, унумдор тупроқлар 25 фоизни ташкил этиши, озиқ-овқатга талаб эса 160 % бўлиши кутилмоқда (1-расм) [2].

Сайёрадаги ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва фаровонлиги атроф-муҳитнинг ҳолатига боғлиқ. Сўнгги ўн йилликларда, ахборот-техник ютуқлар натижасида табиии ресурслардан фойдаланиш тобора кучайиб бормоқда, табиатда уларни



тиглаш учун эса вақт йўқ. Ушбу муаммо, айниқса, тупроқни қайта ишлаш, яъни тупроқка ишлов бериш соҳасида жуда долзарбdir. Шу сабабли ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиши учун янги, инновацион техник воситаларни ишлаб чиқиш тобора мухим аҳамият касб этмоқда.

Тупроқка кучли таъсир кўсатадиган қишлоқ хўжалиги тизимидағи анъанавий технологиялардан узок муддатли фойдаланиш сайдерамиз иқлимига салбий таъсир кўсатди. Натижада муқаррар равишда сув ва шамол эрозияси пайдо бўлади. Тупроқни муомаладан чиқариб юбориши бутун инсониятни экологик фалокатга олиб келади. Тупроқни ўстириш ва унумдорлигини оширишининг анъанавий технологиялари ишлов бериш ускуналарининг бутун мажмуасини ишлатишни ўз ичига олади, уларнинг кўти дала бўйлаб ўтади, унумдорлик пасаяди, тупроқ сиқилид қолади ва натижада ишлаб чиқариш ресурсларидан умуман фойдаланилмайди [3, 4, 5]. Қийин иқтисодий шароитда замонавий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кўпинча ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ўртасида танлов қилиши керак. Ресурсларни тежайдиган технологиялар атроф-муҳитга етказилган зарарни ва шу билан бирга маҳсулот таннархини камайтиришга ёрдам беради [6, 7, 8].

**Тадқиқот усули.** Маълумки, пахта ва ғалла республикамиз иқтисодиётida мухим ўрин эгаллайди. Шунинг учун, пахта ва ғалла етиштиришда тупроқка ишлов бериш технологик жараёнини такомиллаштириш ҳисобига атроф-муҳитга етказиладиган зарарни камайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва маҳсулот таннархини камайтиришга эришиш мумкин.

**Тадқиқот натижалари.** Экиш олдидан ва экин қатор ораси тупроғида ишлов беришни амалга оширишда тупроқ намлигини сақлаш, тупроқнинг намини кам миқдорда тупроқ юзасига чиқариш, бегона ўсимликларни қирқиши зарур. Бироқ, қўлланилаётган ўзга культиваторлари агротехника талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги тажрибаларда тасдиқланган [9, 10, 11]. Республикализмнинг фермер хўжаликларида ўзга қатор орасига КРХ-3,6, КРТ-4, КРХ-4 ва КХУ-4А, КХО-3,6/4,2 ва КХО-5,4 маркали озиқлантирувчи пахта культиваторлари билан ишлов берилиб келинмоқда [12, 13, 14, 15, 16, 17, 18]. Асосан бундай культиваторлар қатор оралари 60, 70 ва 90 см кенглигидаги 4, 6 ва 8 қаторли сеялкалар билан экилган майдонларда 2,4; 2,8; 3,6; 4,2 ва 5,4 метр; қамров кенглигига, ишчи куроллари 30–200 мм. ишлов бериш чуқурлиги оралиғида созланиб бегона ўтларни тозалаш, тупроқка ишлов бериш ва ўғитлаш ишларини бажаришда қўлланилмоқда.

Тажриба тадқиқотлари ишлов бериш даврида тупроқ намлигининг 8–11 фойиздан кам, қаттиқлигининг 1,6–2,0 МПа атрофида бўлиш ҳоллари фракцион таркибининг йирик кесаклар ҳосил бўлишига сабаб бўлишини, бундай ҳолат агротехника талабларига тўла жавоб бермаслигини тас-


диклади. Бундай ҳолларда культиватор ишчи қуроллари билан бир ўтишда тупроқка яхши ботмаслик, сифатли юмшатиб бўлмаслик кузатилди.

Тупроқларнинг уваланиш сифатига баҳо бериш мақсадида чопик агрегатлари билан ўзга қатор ораларига ишлов бериш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари бир марта культивация қилингандан кейин > 50 мм бўлган кесаклар 25,4 фойиз, икки марта культивация қилингандан кейин 11,6 фойизни ташкил этди (1-жадвал).

#### 1-жадвал Ўзга қатор орасига ишлов берилган тупроқнинг уваланиш даражаси

№	Ишлов беришлар сони, марта	ММ ўлчамли фракциялар миқдори, %			
		>50	50-25	25-10	10>
1	Бир марта	25,4	41,6	20,2	12,8
2	Икки марта	11,6	37,5	37,6	13,3

Экспериментал тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатди, тупроқда намлик кам бўлган ҳолларда ишчи қуролларнинг тортишга бўлган қаршилиги юқори, тупроқ қатламларини кесиш анча қийин бўлиши аниқланди. Натижада тупроқ намлигининг қаттиқлик ва солиширма қаршилика таъсирини ифодаловчи эмпирик боғлиқлик ўрнатилди (2-расм). 2-расмдан тупроқ намлигининг 16–20 % атрофида бўлиши культиватор иш органларининг ўзга қа-



**2-расм. Тупроқ солиширма қаршилиги ( $K$ ) ва қаттиқлиги ( $P$ ) нинг намлик ( $W$ ) га нисбатан ўзгариши**  
тор ораларига бир марта киришда қониқарли натижада бериси мумкинлигини кўриш мумкин.

**Натижалар таҳлили.** Келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатди, тупроқка экиш олдидан ва экин орасига ишлов беришда намлигининг йўқотилишини, ишлов берилган юзасининг серкесак бўлишини ва экиладиган қатламнинг қаттиқ бўлмаслигини таъминлаш энг мухим тадбир эканлиги аниқланди. Чунки бу тадбир сифатли бажарилмаса тупроқни экишга тайёрлаш, уруғни сифатли экиш, уни ундириб олиш, ўсимликни ҳимоя қилиш имкони бой берилади. Шунинг учун, республикамизнинг асосий экин турлари ҳисобланган пахта ва ғалла етиштириладиган зоналарнинг тупроқ-иқлим шароитлари ҳар хил бўлгани сабабли, ишлов бериш усули ва техника воситаларининг иш органларини танлашда дифференциал ёндошувни кўллаш тавсия этилади [9]. Республикализм тупроқларининг ҳар хил хусусиятга ёгалиги ва физик хоссалари билан ажralиб туриши 2-жадвалда келтирилган.

Бундай хоссаларга эга бўлган тупроқка ишлов бериш технологик жараёни механик таъсирларга асослангани боис юмшатиш, увалаш, ўйиш, қирқиши, суриш, ағдариш, зичлаш, текислаш, маълум чуқурлиқда бегона ўтларни кесиш, муль чалаш ва бошқа технологик жараёнилар элементлари сифатида операцияларнинг комбинациясини таъминлайдиган ишчи органлар тупроқ намлигининг йўқотилиши, ишлов берилган юзасининг серкесак ва экиладиган қатламнинг қаттиқ бўлмаслигини таъминлаш хизмат қилиши, танланиши, параметрлари асосланиши, иш режимлари мақбулланиши керак. Тадқиқот натижалари таҳлилига кўра тупроқ юза қатламнинг фракцион таркиби ўлчамлари 5–10 мм бўлганда жисмоний буғланиш ва намлигининг йўқотилиши энг кам бўлиши ўрнатилган (3-расм).


3-расмдан хулоса қилиш мумкинки, технологик жара-

**2-жадвал**  
**Сүфориладиган тупроқларнинг физик ҳоссаларини баҳолаш**


№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	баҳо		
			яхши	қониқарли	қониқарсиз
1.	Зичлиги	г/см <sup>3</sup>	1,20-1,35	1,30-1,45	>1,45
2.	Қаттиқ фазаларининг солиштирма оғирлиги	г/см <sup>3</sup>	<2,65	2,65-2,70	>2,70
3.	Ҳажми бўйича умумий говаклиги	%	60	55-48	<45
4.	Намлиги	%	20-25	15-20	<15
5.	Ишлов беришдаги солиштирма қаршилиги	кг/см <sup>2</sup>	0,3-0,7	0,7-1,0	>1
6.	Сувга чидамли агрегатлар миқдори (>0,25 мм)	%	25-15	10-15	<5
7.	Мақбул агрегат таркиби миқдори (10 мм дан 0,25 мм гача)	%	>60	60-45	<45
8.	Сув ўтказувчанилиги (6 соат ичада)	мм	350-500	200-300	<100

ёнлар элементлари таркибига кирувчи тупроқ бўлагига таъсир кўрсатиладиган операцияларнинг комбинациясини таъминлайдиган ишчи органларнинг ишлов берадиган тупроқ қатламишининг фракцион таркибини 5–10 мм ўлчамларда таъминлаши ишлов бериш технологик жараёнини такомиллаштиришга эришилганлигини таъминлади. Бунинг учун тупроқ бўлагига таъсир кўрсатувчи операцияларнинг комбинациясини тупроқка механик таъсир этиш усусларидан тузиш ва тадқиқ этиш тавсия этилади (4-расм). Тупроққа ишлов бериш технологик жараёни такомиллаштиришда механик таъсир этиш усусларининг учта элементи иштирок этади: «энергия манбайи»; «ишчи органи»; «тупроқ». Ишчи орган энергияни энергия манбайдан олиб тупроққа таъсир қиласди,

унинг ҳолатини ўзгартиради, ўлчамлари ва бўлакларининг шакли, улар орасидаги масофага таъсир кўрсатади. Ташки кучларнинг қўшилишидан тупроқ қатламишининг деформацияланиши ва емирилишини ҳар хил кўринишлардаги комбинацияларда содир қилиб, фракцион таркибини 5–10 мм ўлчамларда таъминлашга эришиш мумкин. Натижада тупроқ зичлигининг ўзгариши, бегона ўтларнинг йўқ қилиниши, ўсимликлар учун энг мақбул ҳаво, иссиқлик, сув, ўсуб ва ривожланиш учун зарур бўлган шароитлар яратилади [19, 20].



**3-расм. Тупроқ юза қатламининг фракцион таркибига кўра намлиги**




1 - сиқиши, янчиши; 2 - эзиши, қийшайтиши; 3 - ёриши; 4 - бўла-класи; 5 - кесиши; 6 - чўзиши, йиртиши; 7 - арралаш; 8 - силжитиши; 9 - ишқалаши, силликлаши; 10 - силжитиб синдириши; 11а - эркин зарбалаш (тупроқ бўлагини иш органига уриб майдалаш); 11б - уриб майдалаш (иш органини тупроқ бўлагига уриб майдалаш); 12 - чекланган (сиқилган) зарбалаш

**4-расм. Тупроқ бўлагига таъсир кўрсатуечи механик ҳаракат усуслари**

Бунинг учун ҳар бир механик таъсир этиш усуслари энергиятежамкорлик, ишлов бериш сифати ва тупроқ фракцион таркибининг 5–10 мм ўлчамларда таъминланиши бўйича назарий ва экспериментал таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Фараз қилайлик, тупроқнинг 0,1-5,0 мм, 5-10 мм, 10-15 мм, 15-20 мм, 20-30 мм, 30-40 мм ва 40-50 мм ўлчамлардаги фракцион таркиби бир-бири билан ёпишган ва яхлит бўлакка эга бўлсин (5-расм) [20].

Тупроқ бўлагининг ташки таъсир куч таъсирида сиқиша (5-расм, 1-ҳолат) емирилишининг нозик ва мўрт жойи тупроқ фракцияларининг ўзаро бир-бирига бирлашган, яъни ёпишган жойлари ҳисобланади. Бу ўзаро бирлашган ва ёпишган жойлар органик ва маъданли коллоидлар, тузлардан ташкип топган бўлади. Агар бу ёпишган жойни сув билан эритиб, бирикмаларнинг концентрацияси камайтирилса, фракцияларни ажратиш, тупроқ бўлагини емиришга ташки кучнинг таъсири сезиларни даражада камаяди. Бу жараёни тупроқнинг физик етилган ҳолатини белгиловчи мутлоқ 16–29 % намлик миқдори ёки энг кам 55–60 % намлик сифимида намоён бўлиши кўп йиллик дала тажрибаларида исботланган [21, 22]. Камроқ энергия талаб қиладиган жараён чўзиши жараёни ҳисобланади (5-расм, 6 ҳолат), чунки тупроқ фракцияларининг ўзаро бир-бири билан тишлишиши фракциялар ичдаги тишлишидан камдир. Эзиш жараёнида (5-расм, 2-ҳолат) тупроқ бўлагининг емирилиши агрегатларнинг ажралишидан ва уларнинг майдалашувидан ҳосил бўлади. Бундай таъсир қилиш усули кўпроқ самарали ҳисобланади, лекин кўпроқ энергияни талаб этади. Бу тупроққа ишлов берадиган ўқёйсимон панжа



1, 2, 3, 4, 5, 6 – тупроқ бўлагиниң фракцион таркиби  
**5-расм. Тупроқ бўлагиниң ташки таъсир этишдан сиқилиши**

билин ғалтакнинг комбинациясини таъминлаши мумкин. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўйидаги хулосалар шакллантирилган.

#### Хулосалар:

• Таҳлиллар тупроққа ишлов берадиган ишчи органларнинг бутун мажмуасини анъанавий технологияларга асосланган тарзда ишлатилиши натижасида тупрок унумдорлигининг пасайиб бораётганлигини кўрсатади.

• Экспериментал тадқиқот натижалари тупроққа ишлов бериш даврида намлигининг кам, қаттиқлигининг катта бўлишидан таркибида йирик кесакларнинг чиқиши, намликтин жадал йўқотилишига сабаб бўлаётганлигини тасдиқлади.

• Тупрок бўлагига таъсир кўрсатувчи механик ҳаракат усуллари тахлили асосида ишлов бериш усули ва иш органлари комбинациясини танлаш тупроққа ишлов бериш технологик жараёнини такомиллаштириш имконини беради.

№	Адабиётлар	References
1	Карпенко А.Н. Сельскохозяйственные машины. – Москва. Агропромиздат. 1989. – С. 55-57.	Karpenko A.N. Sel'skokhozaystvennye mashiny [Agreecultural machines] Moscow: Agropromizdat. 1989. Pp. 55-57. (in Russian)
2	Гуков Я.С. Обработка грунту // Технология техника. – Киев. Нора-Принт. 1999. – 275 с.	Gukov Ya.S. Obrabotok gruntu [Soil treatments] Technology technician. Kiev: Nora-Print, 1999. 275 p. (in Russian)
3	Https://www.Zerno-ua.com/journals, 2010. 21 p.	Https://www.Zerno-ua.com/journals, 2010. 21 p.
4	Дегтярева Е.Т. Агропроизводственная группировка и характеристика почв//Волгоград. 1981. – 160 с.	Degtyareva E.T. Agroproizvodstvennaya gruppirovka i kharakteristika pochv [Agricultural production grouping and soil characterization] Volgograd, 1981.160 p. (in Russian)
5	Шульмейстер К.Г. Минимизация весенних обработок почвы// Земледелие. 1993. №3. – С.12-14.	Shulmeyster K.G. Minimezatsiya vesennikh obrabotok pochvy [Minimizing spring tillage] Zemledelie, 1993. No.3. Pp.12-14. (in Russian)
6	Спирин А.П. Почвозащитные технологии // Земледелие. 1999. №2. – С. 22-23.	Spirin A.P. Pochvozashitniye tekhnologii [Soil protection technologies] Zemledelie, 1999. No.2. Pp.22-23. (in Russian)
7	А.К.Игамбердиев. Фўза қатор ораларига кузги дон экишнинг назарий ва экспериментал асослари. – Тошкент, – 2013. – Б.12-13.	A.K. Igamberdiyev. Guza kator oralariga kuzgi don ekishning nazari va eksperimental asoslari [The oretical and experimental basesofautumng rainsins cotton fields] Tashkent: 2013. Pp.12-13. (in Uzbek)
8	Сиников Г. И., Панов И.М. Теория и расчет почвообрабатывающих машин. – Москва: Машиностроение, 1977. – С. 216-226.	Sinikov G.I., Panov I.M. Teoriya i raschet pochvoobrabatyvayushchikh mashin [Theory and calculation of tillage machines]. Moscow: Engineering, 1977. Pp. 216-226. (in Russian)
9	Джавакянц Ю.М. Ўзбекистоннинг бօғ ва токзорларидага тупроққа ишлов бериш бўйича тавсиялар. – Тошкент, 2006. – Б. 3-15.	Djavakyan Yu.M. Uzbekistonning bog va tokzorlarida tuproqka ishlov berish buyicha tavsiyalar [Recommendations for processing soil In Uzbekistan's gardens and vineyards], Tashkent: 2006. Pp. 3-15. (in Uzbek)
10	Медовник А. Орудия для обработки почвы в междуурядьях сада // Журнал: "Арсенал земледельца". – Москва, 2008. – №10. – С.10-11.	Medovnik A. Orudiya dlya obrabotki pochvi v mezhduryad'yakh sada [Tools for tillage in the inter-garden spacing]. Journal "The Arsenal of the Farmer". Moscow: No.10. 2008. Pp.10-11. (in Russian)
11	Бледных В.В. Устройство, расчет и проектирование почво обрабатывающих орудий. – Челябинск: ЧГАА, 2010. – 201 с.	Blednyx V.V. Ustroyatvo, raschet i prektirovaniye pochvo obrabatyvayushchikh orudiy [Device, calculation and design of tillage tools] Chelyabinsk: Chelyabinsk State Agrarian Academy, 2010. 201 p. (in Russian)
12	Труфляк Е.В. Ресурсосберегающие процессы уборки кукурузы на основе новых конструктивно – технологических решений. автореф. дис. ... докт. тех. наук. по спец. – Краснодар, 2011. – 48 с.	Truflyak E.V. Resursosberegayushchiye protsessy uborki kukuruzi na osnove novykh konstruktivno-tehnologicheskikh resheniy [Resource-saving corn harvesting processes based on new structural and technological solutions]. Author, dis ... Doc. those. sciences. , Krasnodar, 2011. 48 p. (in Russian)
13	Шевлягин А.И. Реакция сельскохозяйственных культур на различную плотность сложения почвы // Теоретические вопросы обработки почв. – Ленинград, 1968. – С. 32-39.	Shevlyagin A.I. Reaksiya sel'skokhozaystvennykh kul'tur na razlichnuyu plotnost' slozheniya pochvy [Reaction of agricultural crops to different soil compaction densities] Theoretical issues of soil treatment. Leningrad, 1968. Pp. 32-39. (in Russian)
14	www.agrosite.narod.ru.	www.agrosite.narod.ru.
15	Одаренко Н.Д. Исследование технологии и параметров рабочего органа для нарезки поливных борозд: Авто-реф. дис... канд. тех. наук. – Ташкент, 1981. – 17 с.	Odarenko N.D. Issledovaniye tekhnologii i parametrov rabochego organa dlya narezkipolivnykh borozd [The study of technology and the parameters of the working body for cutting irrigation furrows] Abstract. dis ... cand. those. Sciences,Tashkent, 1981. 17 p. (in Russian)
16	Кленин Н.И., Попов И.Ф., Сакун В.А. Сельскохозяйственные машины. – Москва: Колос, 1970. – 455 с.	Klenin N.I., Popov. F., Sakun V.A. Sel'skokhozaystvennymashiny [Agreeculturalmachines] Moscow: Kolos, 1970. 455 p. (in Russian)
17	Кленин Н.И., Сакун В.А. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. – Москва: Колос, 1980. – 671 с.	Klenin N.I., Sakun V.A. Sel'skokhozaystvennyei meliorativnymashiny[Agreeculturaland reclamation machines ] Moscow: Kolos, 1980. 671 p. (in Russian)
18	Рудаков Г.М. Технологические основы механизации сева хлопчатника. – Ташкент: "Фан", 1974. – С.158-197.	Rudakov G.M. Tekhnologicheskie osnovy mekhanizatsii seva khlopchatnika [Technological fundamentals of mechanization of cotton sowing] Tashkent: Fan, 1974. Pp.158-197. (in Russian)
19	Сергиенко В.А. Технологические основы механизации обработки почвы в междуурядьях хлопчатника. – Ташкент: «Фан», 1978. – 112 с.	Sergienko V.A. Tekhnologicheskiye osnovy mekhanizatsii obrabotki pochvy v mezhduryad'yakh khlopchatnika [Technological fundamentals of mechanization of soil cultivation between rows of cotton] Tashkent: Fan, 1978. 112 p. (in Russian)
20	Руденко Н.Е. Что лучше раскрошит комок почвы? //Сельский механизатор, №5, 2008. – 3 с.	Rudenko N.E. Chto luchshe raskroshit komok pochvy? [What better crumble a lump of soil?] "Rural machine operator". No.5. 2008. 3 p. (in Russian)
21	Шоумарова М., Абдуллаев Т. Қишлоқ хўжалиги машиналари. – Тошкент: "Ўқитувчи", 2002. – Б.123-195.	Shoumarova M., Abdullayev T. Kishloq khujaligi mashinalari [Agreecultural machines ] Tashkent: Teacher, 2002. Pp.123-195. (in Russian)

УЎТ: 621.935:631.348.45

## ПУРКАГИЧЛАРГА ЎРНАТИЛАДИГАН МАРКАЗДАН ҚОЧМА ВЕНТИЛЯТОРНИНГ ИШ ҚИСМИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСЛУБИЯТИ

*Д.Джураев - т.ф.н., тадқиқотчи, М.С.Халилов - катта ўқитувчи, И.Ж.Тоиров - т.ф.н., доцент*

*Қарши мұхандислик-иктисодиёт институты,*

*А.Э.Уришев - асистент, Тошкент ирригация ва қишлоқ хұжалигини механизациялаш мұхандислари институты*

### Аннотация

Мақолада марказдан қочма вентиляторлар устида илмий назарий ва тажрибавий тадқиқотлар үтказишган олимлар келтирилген. Бу олимлар томонидан марказдан қочма вентиляторларни асосий параметрлари ва ҳисоблаш услублари аниқлаشتырылды, улардан фойдаланишда техник характеристикалари яхшиланды ва аэродинамик лойихалари такомиллаштырылды. Пуркагичга ўрнатиладиган марказдан қочма вентиляторларнинг аэродинамик ва технологик схемаси ишлаб чиқылған. Муаллифлар марказдан қочма вентиляторлар устида илмий назарий ва тажрибавий тадқиқотлар үтказишган олимлар Невельсон М.И., Черкасский В.М., Калинушкин М.П., Иванов О. П., Турбин Б. Г. ишларини таҳлил қилишган ва шулар асосида марказдан қочма вентиляторлар иш қысмларини назарий параметрларини аниқлаш услубини яратышган. Яратылған услуга асосида марказдан қочма вентиляторлар иш қысмларини назарий параметрларини аниқланған ва уни ишлаб чиқылған пуркагичга ўрнатылған. Яратылған услубни үсімліктерни қимоя қилиш машиналаридан ташқары қишлоқ хұжалигининг бошқа соҳаларига ҳам күллашни тавсия этишган.

**Таянч сұзлар:** пуркагич, вентилятор, ғилдирак, кураклар, тирқиши, диаметр, радиус, кожух.

## МЕТОДИКА ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПАРАМЕТРОВ РАБОЧИХ ОРГАНОВ ЦЕНТРОБЕЖНОГО ВЕНТИЛЯТОРА УСТАНОВЛЕННОГО К ОПРЫСКИВАТЕЛЮ

*А.Д.Джураев - к.т.н., соискатель, М. С.Халилов - старший преподаватель, И.Ж.Тоиров - к.т.н., доцент*

*Каршинский инженерно-экономический институт*

*А.Э. Уришев - асистент, Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства*

### Аннотация

В статье приведены данные ученых, которые вели теоретические и экспериментальные исследования по центробежным вентиляторам, ими уточнены расчеты, улучшены технические характеристики и аэродинамические схемы центробежных вентиляторов. Разработаны аэродинамические и технологические схемы центробежных вентиляторов, устанавливаемых к опрыскивателю. Описаны теоретические и экспериментальные исследования, проводимые учеными: Невельсон М.И., Черкасский В.М., Калинушкин М.П., Иванов О. П., Турбин Б. Г., на основе которых авторами разработана методика расчета основных параметров рабочих органов центробежного вентилятора. На основе разработанной методики расчета определены основные параметры рабочих органов центробежного вентилятора, изготовлен опытный образец, который установлен в опрыскиватель. Созданная методика и образец могут быть использованы не только для машин по защите растений, но так же в других сельскохозяйственных машинах.

**Ключевые слова:** опрыскиватель, вентилятор, колесо, лопаты, зазор, диаметр, радиус, кожух.

## METHOD OF DETERMINING THE PARAMETERS OF THE WORKING BODIES OF THE CENTRIFUGAL FAN INSTALLED TO THE SPRAYER

*D.Dzhuraev - c.t.s., researcher, M.S.Halilov - senior lecturer, I.Zh.Toirov - c.t.s., associate professor*

*Karshi Engineering and Economics Institute*

*A.E. Urishev - assistant, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers*

### Abstract

The article presents the data of scientists who conducted theoretical and experimental research on centrifugal fans, they refined the calculations, improved technical characteristics and aerodynamic designs of centrifugal fans. Aerodynamic and technological schemes of centrifugal fans installed to the sprayer have been developed. The theoretical and experimental studies conducted by scientists are described: Nevelson MI, Cherkassky VM, Kalinushkin MP, Ivanov O. P., Turbin B. G., on the basis of which the authors developed a method for calculating the main parameters of the working bodies centrifugal fan. Based on the developed calculation methodology, the main parameters of the working bodies of a centrifugal fan are determined, a prototype is made, which is installed in the sprayer. The created technique and sample can be used not only for plant protection machines, but also in other agricultural machines.

**Key words:** sprayer, fan, wheel, shovels, clearance, diameter, radius, casing.



**Кириш.** Марказдан қочма вентиляторлар бүйича йирик  
Колим Н.Е. Жуковский ва унинг шогирди К.А.Ушаков,  
А.П.Герман, Г.М.Еланчик, В.И.Поликовский, Г.Ф.Прокура,  
М.М.Федоров, И.И.Куколевский, М.Н.Невельсон, А.Г.Бычков,  
Е.Я.Юдин, И.М.Готгельф, И.С.Ивянский, А.М.Комаров,  
И.И.Ползунов, Черкасский В.М., Калинушкин М.П., Иванов  
О. П., Турбин Б. Г., Б.Экк (Германия) ва бошқалар бу соҳада  
катта илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Юқорида келтирилган олимлар томонидан марказдан қочма вентиляторлар бүйича назарий ва амалий фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилиши натижасида уларнинг асосий параметрлари ва ҳисоблаш услублари аниқлаштирилди, улардан фойдаланишда техник характеристикалари яхшиланди ва аэродинамик лойиҳалари юқори даражада такомиллаштирилди. Марказдан қочма вентиляторлар устида илмий тадқиқот ишлари ҳозирги пайта ҳам юқори савиядга олиб борилмоқда.

Вентиляторнинг параметрларини аниқлаш бүйича олимлар олиб борилган илмий тадқиқотлар билан таҳлили танишиб чиқилди.

Невельсон М. И. [1] саноатда ва ишлаб чиқаришда ифлосланган ҳаволарни ва кувурлар ичига ўтириб қолган қурумларни тозалашда қўлланиладиган сурувчи марказдан қочма вентиляторлар билан ишлаган. Маълумки марказдан қочма вентиляторларда иккита дарча мавжуд бўлиб, биринчисидан ҳаво оқимини сурисиб олади ва иккинчисидан эса уни ташқарига йўналтиради. Шунинг учун ҳам Невельсон М. И. марказдан қочма вентиляторни ҳаво оқимини сурисиб дарчаси диаметрини асосий йўналтирувчи параметр деб қабул қилган ва шу асосда вентиляторнинг бошқа параметрларини аниқлаш услубини яратган. Невельсон М. И. томонидан яратилган бу услуб марказдан қочма вентиляторларни параметрларини аниқлашда шу соҳа учун муккамал ҳисобланади. Лекин бу услубни бошқа соҳага ишлайдиган марказдан қочма вентиляторларга қўллаш имконияти мавжуд эмас.

Черкасский В. М. [2] саноатда ва ишлаб чиқаришда қўлланиладиган марказдан қочма насослар бүйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган ва шу соҳада қўлланиладиган марказдан қочма насосларни асосий параметрларини ҳисоблаш услубини яратган. Бу яратилган услуб шу соҳа учун муккамал ҳисобланади, лекин бу услубни бошқа соҳаларга қўллаб бўлмайди.

Калинушкин М. П. [3] марказдан қочма вентиляторларни иш унуми  $Q$ , ҳаво оқими босими  $P$ , ҳавонинг зичлиги ва вентилятор валининг айланишлар сони  $n$  берилганда унинг параметрларини аниқлаш услубини тавсия қилди. Вентиляторнинг конструкцияси ва унинг ташки үлчамларини назарда тутган ҳолда ғидиракнинг диаметрини  $D$ , кураклар сонини  $Z$  ва куракдан ҳаво оқими чиқиш бурчагини 2 формуласи билан ҳисоблаш амалини бажармасдан туриб қабул қилишни тавсия этган. Бундан ташқари, вентилятор ғидирагига ўрнатиладиган кураклар холатларини, яъни куракни олдинга эгиб, радиал ва орқага эгиб ўрнатилгандағи афзалликларини фойдали иш коэффициентлари орқали қабул қилишни тавсиялар берган.

Иванов О. П. [4] марказдан қочма вентиляторларни параметрларини назарий аниқлаш устида илмий тадқиқотлар олиб борган. Марказдан қочма вентилятор ғидирагини оптимал диаметри қийматини ЦАГИ (Центральный аэро-гидродинамический институт, Россия) услубида аниқлаган. Ғидиракка ўрнатиладиган кураклар сонини ва уларни қадамларини аниқлаш ифодаларини келтирган. У асосан марказдан қочма вентилятор параметрларини аниқлашни ЦАГИ томонидан яратилган услубдан фойдаланишни тавсия этган. Лекин у тавсия қилган ифода билан марказдан қочма вентилятор ғидирагини оптимал диаметри қийматини аниқланганда амалиётта тўғри келмайдиган сонлар чиқмоқда.

Турбин Б. Г. [5] қишлоқ ҳўжалигида қўлланиладиган ғалла ўриш комбайнлари, ғаллани тозалаш ва уларни саралаш машиналарга ўрнатиладиган марказдан қочма вентиляторлар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган. У марказдан қочма вентиляторлар параметрларини назарий аниқлашни умуман бошқа янги услубини яратди ва бу услуб бошқа услублардан тамомила фарқ қилган. У тавсия қилган услугба асосан марказдан қочма вентилятор ғидирагининг диаметрининг конструкцияси ва унинг ташки үлчамларини назарда тутган ҳолда ҳисоблаш амалини бажармасдан туриб қабул қилган. Қабул қилган марказдан қочма вентилятор ғидирагининг диаметри асосида вентиляторнинг бошқа ҳамма параметрларини унга нисбатан маълум фойиз билан аниқлаган. Унинг қабул қилган марказдан қочма вентилятор ғидирагининг диаметри ГОСТ-10616-2015 [6] га тўғри келмайди, лекин бу марказдан қочма вентиляторлар ишлаб чиқаришда яхши ишламоқдалар.

Юқорида собиқ иттифоқ даврида ва чет мамлакатларда марказдан қочма вентиляторларни назарий параметрларини аниқлаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишларини таҳлилий ўрганиб чиқиб, шундай холосага келинди:

- республикамизда марказдан қочма вентиляторларнинг назарий параметрларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган;

- собиқ иттифоқ даврида (Россияда) ва чет мамлакатларда марказдан қочма вентиляторларни назарий параметрларини аниқлашда соҳалар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва шу соҳалар учун умумий бўлмаган индивидуал услублар ишлаб чиқилган;

- марказдан қочма вентиляторларни назарий параметрларини аниқлаш услубларининг таҳлиллари шуни кўрсатдики, ҳар бир соҳада қўлланилаётган вентилятор параметрларини аниқ ва қатъий математик боғланган ифодалар бўйича бажарилмаган, тақрибий, эмпирик ва ярим эмпирик ифодалар билан асосланган;


- пуркагичларга ўрнатиладиган марказдан қочма вентиляторларни аэродинамик схемаси ва технологик ишларни жараёни бошқа соҳада ишлайдиган вентиляторлардан катта фарқ қиласи ва уларни назарий параметрларини аниқлаш услуби ишлаб чиқилмаган.

**Масаланинг қўйилиши.** Универсал осма пуркагичларга ўрнатиладиган марказдан қочма вентиляторнинг асосий иш қисмларини оптимал параметрларини назарий аниқлаш буғунги куннинг асосий муаммоларидан бири бўлмоқда.

**Ечиш услуби.** Пуркагичларга ўрнатиладиган марказдан қочма вентиляторларнинг назарий параметрларини аниқлаш услубини яратиш буғунги куннинг долзаб муаммоларидан бири ҳисобланади. Яратилган аниқлаш услубни юқорида таҳлил қилинган олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилди. Яратилган аниқлаш услуб асосида, биринчи навбатда, пуркагичга ўрнатиладиган марказдан қочма вентиляторларни аэродинамик ва технологик схемаси лойиҳасини асослаш ва ишлаб чиқиш талаб қилинади. Шу асосда марказдан қочма вентиляторларнинг аэродинамик ва технологик схемаси ишлаб чиқилди ва куйидаги 1-расмда келтирилган.

Марказдан қочма вентилятор асосан икки қисмдан иборат: ғидирак ва кожух. Марказдан қочма вентилятор ғидиракнинг асосий параметрлари унинг диаметри  $D$ , ҳаво сўриси дарчасининг диаметри  $D_1$ , кураклар сони  $Z$  ва үлчамлари  $a \cdot b$  дан иборат. Марказдан қочма вентилятор кожухининг асосий параметрлари унинг эгрилик радиуси  $R$ , кенглиги  $b$ , ҳаво сўриси дарчасининг диаметри  $D_o$ , кожух билан ғидирак орасидаги тирқиш  $S$  ва икки ён томондаги ҳаво оқими чиқиш дарчаларининг юзасидан иборат.

Марказдан қочма вентилятор ғидираги диаметрини аниқлашни таҳлиллар асосида икки услубда аниқланади.



1-вентилятор ғилдирагы; 2-вентилятор жохуи; 3-курак; 4-вентилятор вали.

**1-расм. Пуркагичларга ўрнатилган марказдан қочма вентиляторнинг аэродинамик ва технологик схемаси**

Биринчи услугб Турбин Б. Г. томонидан яратилган усулдир. Турбин Б. Г. марказдан қочма вентиляторлар ғилдирагининг диаметрини конструктив ва машинанинг ташки үлчамларини ҳамда ишлаш шароиларини инобатта олган ҳолда ҳисоблаш ишларини бажармасдан қабул қилган. Марказдан қочма вентилятор ғилдираги диаметрини қабул қилишиша ГОСТ10616-2015 [6] Давлат стандарти мавжуд бўлиб, унда кўрсатилган диаметрлар қабул қилинади. Турбин Б. Г. томонидан қабул қилган диаметрлар юқорида кўрсатилган. Давлат стандартига тўғри келмайди, лекин бу ишлаб чиқарилган марказдан қочма вентиляторлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиширища яхши ишламоқдалар. Турбин Б. Г. томонидан таклиф қилинган услугба асосан марказдан қочма вентилятор ғилдирагини диаметрини қабул қилиб олган ва у асосида қолган ҳамма параметрларни маълум фоизлар билан ҳисоблаб аниқлаган. Турбин Б. Г. томонидан марказдан қочма вентиляторларнинг параметрларини аниқлашда шу услугни таклиф қилган.

Иккинчи усулда вентилятор ғилдираги диаметрини қўйида келтирилган эмпирик ифода ёрдамида аниқлашни тавсия этишади. Юқорида келтирилган олимлар марказдан қочма вентилятор ғилдираги диаметрини қўйидаги эмпирик

ифодаси ёрдамида аниқлашган:

$$D = K \sqrt[3]{\frac{Q}{n}} \quad (1)$$

бунда:  $Q$  - вентиляторнинг иш унуми,  $\text{m}^3/\text{s}$ ;  $n$ - вентилятор ғилдирагининг айланышлар сони, айл./мин;

Бу (1) ифодада коэффициент  $K$  нинг қийматини шу соҳада ишлайдиган олимлар томонидан ҳар хил қабул қилишган. Масалан, Невельсон М. И. [1]  $K=3.25$ , Калинушкин М.П. [3]  $K=3.5-4.5$ , Черкасский В. М. [2]  $K=4.25$  га тенг этиб қабул қилишган, яъни ўзлари ишлайдиган соҳани ҳисобга олган ҳолда қабул қилишган.

Коэффициент  $K$  нинг қийматини ўтказилган назарий таҳлиллар ва амалий тадқиқотлар асосида  $K=4.0-4.5$  га тенг қабул қилинди ва (1) ифода қўйидагига тенг бўлди:

$$D = (4.0 - 4.5) \sqrt[3]{\frac{Q}{n}} \quad (2)$$

(2) ифода ёрдамида пуркагичларга ўрнатилган марказдан қочма вентилятор ғилдирагининг диаметри аниқланади ва уни ГОСТ10616-2015 асосида ҳамда пуркагичнинг ташки үлчамларини ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинди.

Марказдан қочма вентиляторнинг қолган параметрлари ҳам юқорида келтирилган тартибда аэродинамик ва технологик схемаси асосида яратилган услугб бўйича ҳисоблаб аниқланди. Ўтказилган назарий ва амалий тадқиқотларнинг тақризий таҳлиллари асосида пуркагичларга ўрнатиладиган марказдан қочма вентиляторлар иш қисмларини параметрларини назарий асослаш услуби яратилди ва унга асосан ҳисоблаш ишларини бажарилиш тартибини кўрсатиш учун уни оддий ва содда қилиб 1-жадвал кўринишида берилди.

1-жадвалда вентилятор ғилдираги ва жохуини ҳар бир параметрининг номланиши, уларнинг белгиланиши, аниқланыш ифодалари ёки қабул қилиниши ва параметрлари аниқланниб қабул қилинганлиги келтирилган. Вентилятор параметрларини асослашда кўлланилган ифодалар қайси манбалардан олинганлиги ҳам келтирилган.

**Натижалар таҳлили ва мисоллар.** Пуркагичларга ўрнатиладиган марказдан қочма вентиляторларнинг параметрларини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган услуб асосида уларнинг параметрларини аниқлашни тавсия этилди, лекин бундай услуб мавжуд эмас эди. Бу услубда вентиляторнинг асосий параметрларини аниқлаш оддий ва аниқ ҳисоблар билан кўрсатиб берилди.

Яратилган услуб асосида пуркагичга ўрнатиладиган

#### 1-жадвал

##### Пуркагичларга ўрнатиладиган марказдан қочма вентиляторларни назарий параметрларини аниқлаш услуби

№, т/р	Қисмларни номланиши	Белгилан иши ва ўлчов бирлиги	Қабул қилиниши	Ҳисоблаш ифодаси	Ким томонидан тавсия қилинган	Параметрларнинг сон қиймати	Рухсат этилган чегараси
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Тезлик коэффициенти, ЦАГИ тасвияси асосида.	$n_y$ айл/мин	Тезлик коэффициенти $n_y$ вентиляторни иш жараёни Ф.И.К максимал қийматида $H=30 \text{ кГ/м}^2$ шартли босимни ҳосил килиб $Q=1 \text{ м}^3/\text{s}$ ҳавони етказиб берадиган айланышлар сонини кўрсатади.	$n_y = \frac{Q^{1/2} \cdot n}{P^{3/4}}$ $n_y = \frac{Q^{1/2} \cdot n}{P^{3/4}} =$ $= \frac{3,54^{1/2} \cdot 1500}{27^{3/4}} =$ $= 238,2$	Невельсон М. И. [Б. 20-25]  Калинушкин М.П. [Б. 112]  Черкасский В. М. [Б. 54]	238,2	Марказдан қочма вентиляторлар учун $n_y=40-300$ Черкасский В. М. [Б. 54]
2	Диаметри икки усулда аниқлаш мумкин:						-

1	2	3	4	5	6	7	8
	I усул: диаметр кабул қилинади	$D, м$	ГОСТ-10616- 2015 асосида ва пургачини конструктив ва ташкы ўлчовларидан келиб чиқиб	Вентиляторни иш унуми ва хаво оқими тезлиги ҳисобга олинади.	Турбин Б.Г. [5-жад., Б. 37-39]	$D = 0,600 м$	
	II усул: диаметрни ифода ёрдамида хисоблаш билан аникланди		$D = K \sqrt[3]{\frac{Q}{n}}$ <p>Бу ифодада коэффициент <math>K</math> нинг қиймати келтирилган манбаларда турли сонларда ифодаланган. Биз бу коэффициенти назарий ва амалий тадқиқотлар асосида <math>K=4.0-4.5</math> га тенг кабул килдик.</p>	$D = k \sqrt[3]{\frac{Q}{n}} =$ $= 4.25 \sqrt[3]{\frac{3.52}{1500}} =$ $= 0.575 м$ $D = 0.575 м$	Невельсон М. И. $K = 3.25$ [Б. 26-27] Калинушкин М.П. $K = 3.5-4.5$ [Б. 108] Черкасский В. М. $K = 4.25$ [Б. 87-89] Биз $K = 4.25$ кабул килдик.	$D = 0,630 м$ Кабул қилинди	
3	Хавони суриш дарчасининг диаметри	$D_0, м$	$D_0$ ни фидирек диаметри $D$ асосида келтирилган ифода ёрдамида аникланди	$D_0 = 0,54 D$	Иванов О.П. [Б. 184]	$D_0 = 0,340 м$	$\frac{D}{D_0} = 1.5-2.5$ ёки $\frac{D_0}{D_1} = 0.4-0.67$
4	Вентилятор ғилдрагини ёпик ва кесик конус шаклида ложихаланди		Бундай лойихаланган вентиляторда кириш дарчасидан кирайтган хаво оқими $90^0$ бурилиб кураклар оралигидаги каналларга ўтишида босим кам юқотилади ва кураклар орасидаги каналларга хаво кириш самараси ошади, яъни Ф.И.К жуда юкори бўлади. Калинушкин М.П. [Б. 111-112]		Калинушкин М.П. [Б. 109]	$\eta_{max} = 0.8-0.9$	
5	Куракларнинг вентилятор ғилдрагига ўрнатилиш ҳолати: -кураклар олдинга эгилган; -кураклар радиал ҳолатда -кураклар оркага эгилган		Фойдали иш коэффициенти нинг (Ф.И.К) қиймати: $\eta_{max} = 0.60-0.65$ $\eta_{max} = 0.65-0.7$ $\eta_{max} = 0.8-0.9$		Калинушкин М.П. [Б. 111-112]		
6	Куракларнинг вентилятор ғилдрагига оркага эгилган ҳолатда ўрнатилди			Ф.И.К ти юкори бўлади ва шовқинсиз ишлайди			$\eta_{max} = 0.8-0.9$
7	Куракларнинг ўлчовлари:						
	-кенглилиги	$b, м$	$b = k \frac{D}{4}$ кураклар оркага эгилган ҳолат учун $k = 1.05-1.25$	$b = k \frac{D}{4}$ $k = 1.25$ $b = 1.25 \frac{D}{4}$	Калинушкин М.П. [Б. 109] Ўтказилган тахлиллар асосида кабул қилинди	$b = 0,200 м$	$b$ -хаво оқими киришдаги куракнинг кенглиги,
	-узунлиги	$l, м$	$l$ нинг қиймати $D$ , $D_0$ , ўрнатилиш қиялик бурчаги $\alpha$ ва куракнинг эгрилик радиуси $r$ лар асосида аникланди	$l = k \frac{D - D_0}{2}$ $k$ – коэффициент- нинг қиймати тажрибада аникланган, $k = 1.033$	$l = 0,153 м,$	$l = 0,153 м,$	$b_l = 0,150 м$ $b_l$ -чикишдаги куракнинг кенглиги
8	Куракларнинг сони	$Z, дона$	$12$ қабул қилинди	$Z = \pi \frac{D + D_0}{D - D_0}$	Калинушкин М.П. [Б. 114]	$Z = 10.5$ Қабул қилинди: $Z = 12$	$6; 8; 12;$ $16; 18; 24;$ Иванов О.П. [Б. 185]

1	2	3	4	5	6	7	8
9	Куракларнинг қадамини ўрнатилишдаги талаф	$t, \text{м}$	$t \leq (D-D_0)/2$	$t \leq (D-D_0)/2$	Иванов О.П. [Б. 185]	$t \leq 0,145 \text{ м}$	
10	Куракларнинг ўрнатилиш қадами	$t, \text{м}$	$Z = \frac{\pi(D+D_0)}{2t}$	$t = \frac{\pi(D+D_0)}{2Z}$	Иванов О.П. [Б. 185]	$t = 0,127 \text{ м}$	Кўрсатилган шарт каноатлан- тирилди
Вентилятор кожухи параметрларини аниқлаш							
1	Кожухнинг кенглиги	$b_0, \text{м}$	$b_0 = (1,1-1,2)b$	$b_0 = 1,2$ $b = 1,2 \cdot 0,20 =$ $= 0,240 \text{ м}$	Пуркагични конструктив ва ташки ўлчовларидан келиб чиқиб.	$b_0 = 0,240 \text{ м}$	
2	Кожухнинг ҳаво чикиш дарчасининг кирраси билан ғилдирак диаметри орасидаги тирқиши	$S, \text{м}$	$S = 0,010 - 0,020 \text{ м}$		Пуркагични конструктив ва ташки ўлчовларидан келиб чиқиб	$S = 0,015 \text{ м}$	
3	Кожухнинг ҳаво кириш дарчасининг диаметри	$D_I, \text{м}$	$D_I = D_0,$	$D_I = D_0,$		$D_I = 0,340 \text{ м}$	
4	Кожухнинг қолган ҳамма ўлчовларини ғилдиракнинг диаметрини асосида конструктив ва ташки ўлчовларидан келиб чиқсан ҳолда кабул килинган.						

марказдан қочма вентилятор ғилдираги ва кожухининг асосий параметрларини аниқланди (1-жадвал), улар қуйидаги 2 ва 3 -жадвалларда келтирилган.

